

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ” КАФЕДРАСИ

Абдурахмонов Жамшиднинг

5340100-иқтисодиёт таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш
учун “Аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини яхшилаш омиллари
(Сирдарё вилояти иқтисодиёти мисолида)” мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Раҳбар: Гулистон шаҳри Турон банки,
Сирдарё вилояти филиали
бош ҳисобчиси Бойназаров Ш.А.**

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. «Даромад» иқтисодий фаолият натижаларини ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, у серқирра ва мураккаб мазмунга эга ҳисобланади. Чунки, даромад бир вақтнинг ўзида бирон-бир фаолият натижасида олинган тушумни, пул маблағларини, натурал кўринишда олинган маҳсулотларни, иқтисодий ресурслар келтирувчи нафни ва бошқа тушунчаларни ифодалаши мумкин. Шунингдек, даромад умумий тушунча бўлиб, унинг таркибида аҳоли даромадлари муҳим ўрин тутadi.

Аҳоли даромадлари маълум вақт оралиғида (масалан, бир йилда) улар томонидан олинган пул ва натурал шаклдаги тушумлар миқдорини англатади. Аҳоли пул даромадлари иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятидан олинadиган даромад, нафақа, пенсия, стипендия шаклидаги барча пул тушумларини, мулкдан фоиз, дивиденд, рента шаклда олинadиган даромадларни, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хунармандчилик буюмларини сотишдан ва ҳар хил хизматлар кўрсатишидан келиб тушadиган даромадларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини яхшилашга катта эътибор қаратилган. Республикамизда инқироз шароитида аҳолини ишончли ҳимоя қилиш, унинг даромади ва моддий фаровонлигини ошириш имкони таъминланди. Реал даромадлар 2009 йил давомида 26,5 фоизга кўпайгани, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўсиши ўрта ҳисобда 40 фоизни ташкил этгани бунинг тасдиғидир.

И.А.Каримов “Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида қабул қилинган мамлакатни демократлаштириш бўйича ўз моделимиз, иқтисодиётнинг мафкурадан хоилиги ва сиёсатдан устунлиги, давлатнинг

бош ислохотчи вазифаларини бажариши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш тамойилларига асосланган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш ушбу ютуқларни қўлга киритишда муҳим омил бўлмоқда»¹.

Аҳолининг ҳар бир аъзоси турмуш шaroитларини ошириш, билим олиш имкониятларини кенгайтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ишчи кучи сифатида ижтимоий фойдали меҳнатда иштирок этиш салоҳиятини юксалтириш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Ана шу маънода аҳоли муҳофазасини таъминлашдаги биринчи ва асосий вазифа ҳам инсонни камол топтириш, унинг оила ва жамиятдаги ўрни ҳамда нуфузини кўтариш билан боғлиқ. Бинобарин, жамиятнинг инсонпарварлиги мамлакат иқтисодий салоҳиятининг қанчалик юксаклиги билангина эмас, балки бу салоҳият ҳар бир кишининг фаровон яшаши ва ҳар томонлама ривожланиши учун йўналтирилгани билан ҳам баҳоланади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда аҳолини, айниқса кам таъминланган аҳоли қатламини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун ҳар йили давлат бюджетидан муайян миқдорда маблағ ажратилмоқда. Бундай ёрдам ўтиш даврида ҳам, инқироз шароитида ҳам аҳолининг иқтисодий барқарорлигини таъминлашда муҳим роль ўйнади.

Маълумки, жамият тараққиётида аҳолининг муҳтож қатламларини социал муҳофаза қилиш нафақат ижтимоий, айти вақтда сиёсий аҳамиятга эгадир. Чунки жамиятнинг ўзагини ташкил этувчи инсон унинг юксалиш даражаси, ҳақиқий қиёфасини белгилайди. Шу боисдан, аҳолининг мазкур қатламларининг ижтимоий-иқтисодий ва демографик ҳолати миқдорий

¹ А.Бекмуродов ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 340 бет.

ўзгаришларини, уларнинг даромадлари ва харажатларининг шаклланиш хусусиятларини, таркибини ўрганиш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида аҳоли даромадлари таркибида қатор ўзгаришлар содир бўлди:

-биринчидан, даромад шакллари ўзгарди, яъни унинг анъанавий турлари (иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендия) қаторига мутлақо янгилари - тадбиркорлик фаолиятдан, мулкдан, кўчмас мулкдан, қимматли қоғозлардан, чет эл валютасидан келадиган даромадлар қўшилди;

-иккинчидан, даромадларнинг таркибий қисмлари миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгарди, бу борада фуқаро ихтиёридаги ҳақиқий даромадлар, тўпланиш ва ажралиш коэффиценти, даромад танқислиги, тирикчилик минимуми, қашшоқлик даражаси, оила пул даромадларининг харид қобилияти каби тушунча ва категориялар пайдо бўлди;

-учинчидан, даромадлардан фойдаланишнинг янги йўналишлари пайдо бўлди: мажбурий тўловлар ва бадаллар, чет эл валютаси, қимматли қоғозлар ва шахсий мулкни сотиб олиш учун харажатлар, тижорат банкларида қўйилмалар шулар жумласидандир.

Ушбу доирада қарайдиган бўлсак, мамлакатимизда бозор ислохотлари шароитида аҳоли даромадларини ошириш ва турмуш сифатини яхшилаш масаласи муҳим ва долзарб вазифаларни амалга оширишни талаб этмоқда. Мазкур ҳолат танланган мавзунини долзарблигини белгилаб беради.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Иқтисодиётга доир кўплаб адабиётларда аҳолини даромади ва турмуш сифатини яхшилаш масаласига катта аҳамият берилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарларида бу муаммонинг аҳамияти илмий жиҳатдан кенг ёритиб берилган. Таниқли иқтисодчи олимлар Абулқосимов Х., Б.Ю.Ходиев., А.Ш.Бекмуродов., У.В.Ғофуров., Б.К.Тухлиев., Н.М.Маҳмудов., Ш.Ш.Шодмонов., Б.Б.Беркинов., О.Ў.Ўлмасов., О.Х.Ҳикматов.,

М.Ш.Шарифхўжаев ва бошқалар тадқиқотлари ушбу муаммони муҳим назарий-услубий асоси ҳисобланади.

Аммо, минтақалар доирасида аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини яхшилаш омиллари бозор ислохотлари шароитида етарли даражада ўрганилмаган ва адабиётларда ёритилмаган. Шунинг учун ушбу муаммо тадқиқот мавзуси қилиб олинди.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Илмий тадқиқотнинг асосий мақсади бугунги кунда аҳоли даромадларини ошириш йўллари ва турмуш сифатини яхшилаш масалаларини тадқиқ ва таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқот мақсадларига эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди ва ҳал этилди:

- Аҳоли даромадлари ва унинг таркибини ўрганиш;
- Давлатнинг ижтимоий сиёсати унинг асосий йўналишларини ёритиш;
- Аҳоли даромадларини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни аҳамиятини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш;
- Аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини яхшилаш асосларини ўрганиш;
- Сирдарё вилоятида аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини ошириш омилларини ўрганиш;
- Сирдарё вилоятида аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини яхшилашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни аҳамиятини тадқиқ қилиш;
- Истиқболда аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини оширишнинг устувор йўналишларини ўрганиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Мазкур битирув малакавий ишининг тадқиқот объекти сифатида Сирдарё вилояти иқтисодиёти ва унинг тармоқларини аҳоли даромадларини оширишдаги ўрни олинди. Аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини яхшилаш омилларини бозор ислохотлари шароитида ўрганиш тадқиқот предмети белгилаб беради.

Тадқиқот усуллари ва услубиёти. Мазкур битирув малакавий ишни бажаришда МДХ ва республикамиздаги кўзга кўринган иқтисодчи олимлар асарларидан, шунингдек, республика ҳукумати томонидан чиқарилган қарорлар ва қонунлар, республика ва вилоят статистика бошқармаси маълумотларидан фойдаланилди, шунинг билан бирга иқтисодий жараёнлар ва фаолиятларни ўрганиш ҳамда таҳлил қилишда комплексли, таркибий, вазиятли ёндошувлардан, кузатиш, статистик ва омилли таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари ва эришилган натижалар. Битирув малакавий ишида илгари сурилган илмий янгиликлар аҳоли даромадаларини ошириш ва турмуш сифатини яхшилаш омилларини бозор шароитига тадбиқан ўрганилганлиги ҳамда илмий жиҳатдан асосланганлиги билан белгиланади. Тадқиқот натижасида қуйидаги натижаларга эришилди:

- Сирдарё вилоятида аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини ошириш омиллари илмий жиҳатдан ўрганилди;
- Сирдарё вилоятида аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини яхшилашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни аҳамияти мантиқан таҳлил қилинди;
- Истиқболда аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини оширишнинг устувор йўналишлари аниқ мисоллар асосида ўрганилди.

Битирув малакавий ишнинг назарий ва амалий аҳамияти. Бозор иқтисодиёти шароитида минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда, аҳоли даромадларини ошириш бўйича белгиланган ва амалга оширилиши лозим бўлган мақсадли дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий иш таркиби ва ҳажми. Мазкур иш кириш, 2 та боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. БМИ умумий ҳажми 70 бетдан иборат.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, тадқиқот предмети, тадқиқот мақсад ва вазифалари, ўрганиш услуб ва услубиёти, тадқиқот объекти ва иш ҳажми ёритилган.

Биринчи-«Аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини яхшилашнинг илмий-назарий асослари» **бобида** аҳоли даромадлари мазмун моҳияти ёритилган. Унинг бугунги кундаги ўзига хос жиҳатлари кўрсатиб ўтилган.

Иккинчи-«Бозор ислохотлари шароитида аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини яхшилаш омиллари» **бобида** аҳоли даромадларини ошириш ва унинг турмуш сифатини яхшилаш омиллари бугунги кун нуқтаи назаридан ўрганилган ва илмий-амалий хулосалар ишлаб чиқилган.

Хулоса қисмида ушбу ишни бажариш мобайнида якуний хулоса ва амалий тавсияларга келинган.

1 Боб. Аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини яхшилашнинг илмий-назарий асослари

1.1. Аҳоли даромадлари ва унинг таркиби

Аҳоли даромадлари тўғрисида гапиришдан олдин даромаднинг сўз маъносига кенгроқ эътибор қаратишимиз лозим. «Даромад» иқтисодий фаолият натижаларини ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, у серқирра ва мураккаб мазмунга эга ҳисобланади. Чунки, даромад бир вақтнинг ўзида бирон-бир фаолият натижасида олинган тушумни, пул маблағларини, натурал кўринишда олинган маҳсулотларни, иқтисодий ресурслар келтирувчи нафни ва бошқа тушунчаларни ифодалаши мумкин. Шунингдек, даромад умумий тушунча бўлиб, унинг таркибида аҳоли даромадлари муҳим ўрин тутди.

Аҳоли даромадлари маълум вақт оралиғида (масалан, бир йилда) улар томонидан олинган пул ва натурал шаклдаги тушумлар миқдорини англатади[27].

Аҳоли **пул даромадлари** иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятидан олинadиган даромад, нафақа, пенсия, стипендия шаклидаги барча пул тушумларини, мулкдан фоиз, дивиденд, рента шаклда олинadиган даромадларни, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ҳунармандчилик буюмларини сотишдан ва ҳар хил хизматлар кўрсатишидан келиб тушадиган даромадларни ўз ичига олади.

Натурал даромад меҳнат ҳақи ҳисобига олинadиган ва уй хўжаликларининг ўз истеъмоллари учун ишлаб чиқарган маҳсулотларидан иборат бўлади. Аҳоли даромадлари даражасига баҳо бериш учун номинал, ихтиёрида бўлган ва реал даромад тушунчаларидан фойдаланилади.

Номинал даромад – аҳоли томонидан маълум вақт оралиғида олинган даромадларининг пул кўринишидаги миқдори ҳисобланади.

Ихтиёрида бўлган даромад—шахсий истеъмол ва жамғарма мақсадларида фойдаланиш мумкин бўлган даромад. Бу даромад номинал даромаддан солиқлар ва мажбурий тўлов суммасига кам бўлади.

Реал даромад – нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдорини кўрсатади, яъни даромаднинг харид қувватини билдиради.

Аҳолининг номинал пул даромадлари **турли манбалар** ҳисобига шаклланади, улардан асосийлари қуйидагилар ҳисобланади:

- а) ишлаб чиқариш омиллари ҳисобига олинadиган даромад;
- б) давлат ёрдам дастурлари бўйича тўлов ва имтиёзлар шаклидаги пул тушумлари;
- в) молия-кредит тизими орқали олинadиган пул даромадлари.

Аҳолининг ёлланиб ишловчи қисми оладиган даромадларининг асосий улушини **иш ҳақи** ташкил қилади. Даромаднинг бу тури истиқболда ҳам пул даромадлари умумий ҳажмининг шаклланишида ўзининг етакчи ролини сақлаб қолади. Аҳоли пул даромадлари даражаси **давлат ёрдам** дастурлари бўйича тўловлар сезиларли таъсир кўрсатади. Бу манбалар ҳисобига пенсия таъминоти амалга оширилади ва турли хил нафақалар тўланади.

Аҳолининг **молия-кредит** тизими орқали олинadиган пул даромадлари қуйидагилардан иборат: давлат суғуртаси бўйича тўловлар; шахсий уй қурилишига ва матлубот жамияти аъзоларига банк ссудалари; жамғарма банкига қўйилмалар бўйича фоизлар; акция, облигация баҳосининг кўпайишидан олинadиган даромад ва заём бўйича тўловлар; лотерея бўйича ютуқлар; товарларни кредитга сотиб олиш натижасида ташкил топадиган, вақтинча бўш маблағлар; ҳар хил турдаги компенсация тўловлар ва ҳоказолар[20].

Аҳоли турмуш даражаси тушунчасини уларнинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланиши ҳамда

кишилар эҳтиёжининг бу неъматлар билан қондирилиши даражаси сифатида аниқлаш мумкин.

Аҳоли турмуш даражасининг БМТ (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти) томонидан тавсия этилган кўрсаткичлари тизими ўз ичига қуйидаги гуруҳларни олади:

1. Туғилиш ва ўлиш даражаси ҳамда бошқа демографик кўрсаткичлар;
2. Ҳаёт кечиришнинг санитар-гигиена жиҳатидан шароитлари;
3. Озиқ-овқат товарларини истеъмол қилиш;
4. Турар жой шароитлари;
5. Маълумот ва маданият;
6. Меҳнат қилиш ва бандлик шароитлари;
7. Аҳолининг даромадлари ва харажатлари;
8. Ҳаёт кечириш қиймати ва истеъмол нархлари;
9. Транспорт воситалари;
10. Дам олишни ташкил этиш;
11. Ижтимоий таъминот;
12. Инсон эркинлиги.

Бу асосий кўрсаткичлардан ташқари яна баъзи бир ахборотга оид кўрсаткичлар ҳам ажратиб кўрсатилади: аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ, аҳоли жон бошига тўғри келувчи миллий даромад, аҳоли жон бошига тўғри келувчи истеъмол ҳажми ва бошқалар.

Кишилар ҳаёт фаолияти учун зарур неъматлар тўплами меҳнат шароити, таълим, соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат ва уй-жой сифати каби хилма-хил эҳтиёжларни ўз ичига олади. Кишилар эҳтиёжларини қондириш даражаси жамият аъзоларининг алоҳида олган ва оилавий даромадлари даражасига боғлиқ. Турмуш даражасини мамлакат даражасида (бутун аҳоли учун) ва табақалашган микродаражада (аҳолининг алоҳида гуруҳи учун) қараб чиқиш мумкин. Биринчи ёндашув турли мамлакатларда аҳолининг

турмуш даражасини аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи бўйича аниқлаб, қиёсий таҳлил қилиш имконини беради.

Аҳоли гуруҳлари бўйича даромадлар тақсимланиши динамикасини таққослаш истеъмолчи бюджети асосида амалга оширилади. Истеъмолчи бюджетларининг бир қатор турлари мавжуд бўлади: ўртача оила бюджети, юқори даражада таъминланган бюджет, минимал даражада моддий таъминланганлар бюджети, нафақахўрлар ва аҳоли бошқа ижтимоий гуруҳлари бюджети шулар жумласидандир.

Фаровонликнинг энг қуйи чегарасини оила даромадининг шундай чегараси билан белгилаш мумкинки, даромаднинг бундан паст даражасида ишчи кучини такрор ҳосил қилишни таъминлаб бўлмайди. Бу даража моддий таъминланганлик минимуми ёки кун кечириш даражаси (қашшоқликнинг бошланиши) сифатида чиқади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ўртача даромад «ўртача синф» деб аталадиган табақалар даромадлари бўйича аниқланади. Бундай гуруҳ истеъмол савати тўпламига уй, автомашина, дала ҳовли, замонавий уй жиҳозлари, сайр қилиш ва болаларини ўқитиш имконияти, қимматли қоғозлар ва зебу зийнат буюмлари киради.

Бозор иқтисодиёти аҳолининг юқори таъминланган ёки «бой» қатламининг мавжуд бўлишини тақозо қилиб, уларга аҳолининг юқори сифатли товар ва хизматлар харид қилишга лаёқатли бўлган жуда оз миқдори киради.

Турмуш даражаси кишиларнинг турмуш тарзи билан узвий боғлиқ. **Турмуш тарзи** – бу кишилар (жамият, ижтимоий қатлам, шахс) нинг миллий ва жаҳон ҳамжамиятидаги ҳаёт фаолияти тури ҳамда усуллари акс эттирувчи ижтимоий-иқтисодий категория. Турмуш тарзи инсон ҳаёт фаолиятининг турли жиҳатларини қамраб олади, яъни[8]:

- меҳнат, уни ташкил этишнинг ижтимоий шакллари;

- турмуш ва бўш вақтдан фойдаланиш шакллари;
- сиёсий ва ижтимоий ҳаётда иштирок этиш;
- моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш шакллари;
- кишиларнинг кундалик ҳаётдаги хулқ-атвори меъёрлари ва қоидалари.


Дунёдаги барча мамлакатлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромадлар даражаси билан бир-биридан кескин фарқланади. Бу турли мамлакатлар аҳолисининг даромадлари даражаси ўртасида тенгсизлик мавжудлигини билдиради. Шу билан бирга алоҳида олинган мамлакатлар аҳолисининг турли қатлам ва гуруҳлари ўртача даромадлари даражасида ҳам фарқ мавжуд бўлади. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши даражаси ҳам даромадларидаги фарқларни бартараф қилмайди.

Даромадлар тенгсизлиги даражасини миқдорий аниқлаш учун жаҳон амалиётида **Лоренц эгри чизигидан** фойдаланилади (**1.1-расм**). Расмнинг ётиқ чизигида аҳоли гуруҳларининг фоиздаги улуши, тик чизигида эса бу гуруҳлар томонидан олинadиган даромаднинг фоиздаги улуши жойлаштирилган. Назарий жиҳатдан даромадларнинг **мутлақ тенг тақсимланиши имконияти** (бурчакни тенг иккига бўлувчи) ОЕ чизикда ифодаланган бўлиб, у оилаларнинг ҳар қандай тегишли фоизи даромадларнинг мос келувчи фоизини олишини кўрсатади. Яъни аҳолининг 20% барча даромадларнинг 20%ни, аҳолининг 40% даромадларнинг 40%ни, аҳолининг 60% даромадларнинг 60%ни олишини билдиради ва ҳоказо. Демак, ОЕ чизиги даромадларнинг тақсимланишидаги мутлақ тенгликни ифодалайди.

Шунингдек, назарий жиҳатдан **мутлақ тенгсизликни** ҳам ажратиб кўрсатиш мумкин. Бунда аҳолининг маълум гуруҳлари (20%, 40 ёки 60% ва ҳоказо) ҳеч қандай даромадга эга бўлмай, фақат бир фоизи барча 100 % даромадга эга бўлади. Расмдаги ОЕЕ синиқ чизиги мутлоқ тенгсизликни ифодалайди.

Реал ҳаётда мутлақ тенглик ва мутлақ тенгсизлик ҳолатлари мавжуд бўлмайди. Балки аҳолининг маълум гуруҳлари ўртасида даромадларнинг тақсимланиши нотекис равишда боради. Бундай тақсимланишини Лоренц эгри чизиғи деб номланувчи OE эгри чизиғи орқали кузатиш мумкин.

Аҳоли гуруҳлари улуши ва даромад улушини бирлаштирувчи эгри чизикдан кўринадик, аҳолининг дастлабки 20 % га даромадларнинг жуда оз (тахминан 3-4 % гача) қисми тўғри келади. Кейинги гуруҳларга тўғри келувчи даромад улуши ортиб боради. Даромаднинг энг катта қисми (деярли 60 %) аҳолининг сўнгги 20 % га тўғри келади. Бу гуруҳ чегараси ичида ҳам даромадлар нотекис тақсимланган, яъни дастлабки 10 % тахминан 20 % даромадга эга бўлса, кейинги 10 % га даромаднинг деярли 40 % тўғри келади ва ҳоказо.



1.1-расм. Лоренц эгри чизиғи

Мутлоқ тенгликни ифодаловчи чизик ва Лоренц эгри чизиғи ўртасидаги тафовут даромадлар тенгсизлиги даражасини акс эттиради. Бу фарқ қанчалик катта бўлса, яъни Лоренц эгри чизиғи OE чизиғидан қанчалик узоқда жойлашса, даромадлар тенгсизлиги даражаси ҳам шунчалик катта бўлади. Агар даромадларнинг ҳақиқий тақсимланиши мутлоқ тенг бўлса, бунда

Лоренц эгри чизиғи ва биссектриса ўқи бир-бирига мос келиб, фарк йўқолади.

Даромадлар табақаланишини аниқлашнинг кўпроқ қўлланиладиган кўрсаткичларидан **бир дицел коэффиценти** ҳисобланади. Бу кўрсаткич 10% энг юқори таъминланган аҳоли ўртача даромадлари ва 10% энг кам таъминланганлар ўртача даромади ўртасидаги нисбатни ифодалайди. Масалан, АҚШ ва Буюк Британияда бу нисбат 13:1га, Швецияда эса 5,5:1га тенг.

Ялпи даромаднинг аҳоли гуруҳлари ўртасида тақсимланишини тавсифлаш учун **аҳоли даромадлари тенгсизлиги индекси (Джини коэффиценти)** кўрсаткичи қўлланилади. Джини коэффиценти расмдаги Лоренц эгри чизиғи билан мутлақ тенглик чизиғи ўртасидаги юзанинг OFE учбурчак юзасига нисбати орқали аниқланади. Бу кўрсаткич қанчалик катта бўлса, (яъни 1,0 га яқинлашса) тенгсизлик шунча кучли бўлади. Жамият аъзолари даромадлари тенглашиб борганда бу кўрсаткич 0 (ноль) га интилади. Масалан, кейинги ярим аср давомида Джини индекси Буюк Британияда 0,39 дан 0,35 га қадар, АҚШда эса 0,38 дан 0,34 га қадар пасайган[27].

Хулоса қилиб айтганда бозор иқтисодиёти шароитида даромадлар тенгсизлигини келтириб чиқарувчи умумий омиллар мавжуд. Буларнинг асосийлари қуйидагилар:

- кишиларнинг умумий (жисмоний, ақлий ва эстетик) лаёқатидаги фарқлар;
- таълим даражаси ва малакавий тайёргарлик даражасидаги фарқлар;
- тадбиркорлик маҳорати ва таҳликага тайёргарлик даражасидаги фарқлар;
- ишлаб чиқарувчиларнинг бозорда нархларни ўрнатишга лаёқатлилиги (бозордаги ҳукмронлик даражасидан келиб чиқиб) даражасидаги фарқлар.

Бундай шароитда давлатнинг даромадларни қайта тақсимлаш вазифаси даромадлар тенгсизлигидаги фарқларни камайтириш ва жамият барча

аъзолари учун анча қулай моддий ҳаёт шароитини таъминлашга қаратилади. Бунда давлат ўзининг ижтимоий сиёсатини олиб боради.

1.2. Давлатнинг ижтимоий сиёсати ва унинг асосий йўналишлари

Давлатнинг ижтимоий сиёсати тегишли марказлашган даромадларни табақалашган солиқ солиш йўли билан шакллантириш ва уни бюджет орқали аҳоли турли гуруҳлари ўртасида қайта тақсимлашдан иборат. Давлат даромадларни қайта тақсимлашда ижтимоий тўловлар билан бирга бозор нархларини ўзгартириш ва иш ҳақининг энг кам даражасини белгилаш усулларидадан фойдаланади.

Ижтимоий тўловлар – кам таъминланганларга пул ёки натурал ёрдам кўрсатишга қаратилган тадбирлари тизими бўлиб, бу уларнинг иқтисодий фаолиятда қатнашиши билан боғлиқ бўлмайди. Ижтимоий тўловларнинг мақсади жамиятдаги муносабатларни инсонпарварлаштириш ҳамда ички талабни ушлаб туриш ҳисобланади.

Аҳоли реал даромадлари даражасига инфляция сезиларли таъсир кўрсатиши сабабли даромадларни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим вазифаси истеъмол товарларига нархнинг ўсишини ҳисобга олиш ва даромадларни индексациялаш, яъни номинал даромадларни нархлар ўсишига боғлиқликда ошириб бориш ҳисобланади.

Шахсий даромадни ҳимоя қилишда ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналиши аҳолининг камбағал қатламини қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

Амалий ҳаётда қашшоқликнинг ўзи ҳаёт кечириш минимуми ёрдамида аниқланади. Бу ижтимоий ва физиологик (жисмоний) минимумда ифодаланади. **Ижтимоий минимум жисмоний эҳтиёжларни қондиришнинг минимал меъёри билан бирга ижтимоий талабларнинг**

минимал харажатларини ҳам ўз ичига олади. Физиологик минимум эса фақат асосий жисмоний эҳтиёжларни қондиришни кўзда тутати.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда аҳолининг ижтимоий ёрдамига муҳтож қисмини аниқлашда турли хил мезонлар асос қилиб олинади. Улар жумласига даромад даражаси, шахсий мол-мулки миқдори, оилавий аҳволи ва шу кабилар киритилади[25].

Ижтимоий сиёсат – бу давлатнинг даромадлар тақсимоотидаги тенгсизликни юмшатишга ва бозор иқтисодиёти қатнашчилари ўртасидаги зиддиятларни бартараф қилишга йўналтирилган сиёсатдир.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари тизимидаги энг асосий йўналиш – бу нархлар эркинлаштирилиши ва пулнинг қадрсизланиш даражаси ортиб бориши муносабати билан даромадларнинг энг кам ва ўртача даражасини мунтазам ошириб бориш ҳисобланади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг иккинчи йўналиши – ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва нооziқ-овқат моллари асосий турлари истеъмолини муайян даражада сақлаб туриш бўлди. Бунга эришишда муҳими маҳсулотлар экспортини божхона тизими орқали назорат қилиш ва уларга юқори бож тўловлари жорий этиш, кундалик зарур товарларни меъёрланган тарзда сотишни ташкил қилиш каби тадбирлар катта аҳамиятга эга бўлди.

Ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг учинчи йўналиши – аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш борасида кучли чора-тадбирлар ўтказилганлиги бўлди. Бу йўналишда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор қатламлари – пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали ва кам даромадли оилалар, ишсизлар, ўқувчи ёшлар ҳамда қайд этилган миқдорда даромад оловчи кишилар турли хил йўллар билан ҳимоя қилиб борилди.

Ялпи ижтимоий ҳимоялаш тизимидан ишончли ижтимоий кафолатлар ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимига изчиллик билан ўтиш – ижтимоий сиёсатни амалга оширишга, ижтимоий ҳимоя воситасини кучайтиришда **сифат жиҳатдан янги босқич бошлашини билдиради.**

Шундай қилиб, ислохотлар даврида давлат аҳолининг муҳтож табақаларини қўллаб-қувватлаш билан бирга, ўз меҳнат фаолияти орқали оиласининг фаровонлигини таъминлашга интилувчи кишилар учун тенг шароит ва қулай имконият яратишга ҳаракат қилади.

Аҳоли даромадлари таркиби уларнинг шакллари ва истеъмол шакллари нуқтаи назаридан умумий шаклда аҳолининг ва оилаларнинг ялпи даромадларида ўз ифодасини топади. Бундай даромад ўзининг миқдори бўйича аҳолининг пул даромадлари суммасига ва хўжаликлар томонидан натурал кўринишда истеъмол қилинадиган шахсий ёрдамчи хўжаликлар ва фермер хўжаликларнинг натурал даромадларнинг қисмига тенг.

Статистика департаменти танлов услуби ёрдамида маълум муддат даврга мўлжалланган тадқиқотлар асосида оила ялпи даромадларни ишлаб чиқиш устида ишлмоқда. Бироқ ялпи даромадларга пул қисмини тўла акс эттириш нуқтаи назаридан аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари баланси анча ишончлироқ ҳужжатлари баланси анча ишончлироқ ҳужжат бўлиб ҳисобланади. У аҳоли пул даромадлари ва харажатлари ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланган. Шахсий ва ёрдамчи фермер хўжаликлари ҳисобига амалга ошириладиган аҳолининг шахсий натурал истеъмолининг суммаси ва улушига келадиган бўлсак, унда бу ерда танлов тадқиқотларидан бу кўрсаткичнинг эксперт баҳоланишидан олиш мумкин.

Аҳоли даромадларининг асосини пул даромадлари ташкил этади, уларнинг ҳиссасига барча даромадларнинг 90% тўғри келади. Пул даромадларининг энг йирик манбаи бўлиб, иш ҳақи ҳисобланади. Бироқ, унинг пул ва ялпи даромадлар умумий суммасидаги улуши анчага камайди.

Бундай тенденция МДХ нинг барча мамлакатларига хосдир. Ўзбекистон Республикасида иш ҳақининг пул даромадларидаги улуши эса 71% дан 35% га , ялпи даромадлардаги улуши эса мос равишда 65% дан 31,4%га камайди. Натурал даромадларга 1990-йилда барча даромадларнинг 84% тўғри келган бўлса, 2004 йилда 25% тўғри келди. Ялпи даромадларда иккинчи ўринни сўнги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотишдан келадиган даромад эгаллайди. Уларнинг улуши 2000-йилда 1990 –йилга нисбатан 3,1 баравар ўсди.

Бу тармоқа участкаларнинг кенгайиши, давлат сектори улушининг кескин қисқариши билан боғлиқ. Даромадлар таркибида янги шакллар вужудга келди, булар тадбиркорлик даромадлари. Дивидендлар кўринишидаги даромадлар, чет эл валютасини сотишдан келадиган даромадлар.

Дивидендлар ва омонатлар бўйича фоизлар кўринишидаги даромадлар бу мулкдан келадиган даромадлардир. Бу гуруҳга мулкни чегара, ер участкасини (майдонини) ижарага беришдан хусусий таксидан келадиган даромадлар ва ҳоказолар киради.

Пул даромадлари ва харажатлари балансидан тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромадлар алоҳида банд сифатида кўрсатилмайди. Улар бошқа даромадларга киритилган. Бу пул даромадлари ва харажатлари балансини ҳисоблаш методикаси (услуги) билан боғлиқ. Биринчи навбатда маълумотлари мавжуд бўлган харажатлар, ундан кейин даромадлар аниқланади ва чиққан фарқ тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромадларни ҳам ўз ичига оладиган бошқа харажатларга киритилади. Даромадлар бу бандининг муҳимлиги уни мустақил банд сифатида ажратиб кўрсатиш ва уни миқдорий аниқлашнинг методикасини (услугини) ишлаб чиқишни талаб этади. Ўзбекистон 2004 тадбиркорлик фаолиятидан келадиган

даромадлар алоҳида банд сифатида кўрсатилган. Улар 2004 йилда аҳолининг пул даромадларининг 25,3% ини ташкил этди.

Шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлашдаги (дифференциянинг) табақалаштиришнинг кўпайиши билан бирга кечади. Агар собиқ иттифок даврида ва унинг республикаларда дифференция (табақалаштириш) суст бўлган бўлса, ҳозирда у дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги кўрсаткичдан асоссиз ошиб кетган.

Масалан, меҳнатга ҳақ тўлашни дифференциация (табақалаштириш) қилиш объектив заруратдир. У қатор омилларга боғлиқ. Бу ерда даромадларни табақалаштиришни тартибга солишда давлатнинг роли муҳимдир.

Давлат меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солишнинг турли шакллари кўллайди, улар орасида мулк шакллари қандай бўлишидан қатъий назар минимал (энг кам) иш ҳақини белгилаш, иш куни давомийликни, таътиллари (отпускарларни) солиқ солишни белгилаш, инфляция шароитида даромадларни индексациялаш ва бошқаларни келтириш мумкин.

Меҳнатга ҳақ тўлашни табақалаштиришнинг кучайиши унинг иқтисодиётнинг тармоқлари, мулк шакллари бўйича фарқланишининг ўсишида ўз ифодасини топади, бу эса ўз навбатида меҳнатга ҳақ тўлашни табақалаштиришнинг Республика ҳудудлари бўйича ҳам пасайишини келтириб чиқаради. Масалан, 2000 йил декабрида тармоқлар бўйича ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақлари ўртача республика даражасига нисбатан фоизлар ҳисобида қишлоқ хўжалигида 61% дан кредитлаш ва суғуртадаги 26% гача тебраниб турди. Саноатда бу кўрсаткич –19,4% ни ташкил этди.

Моддий ишлаб чиқариш жараёнида кишиларнинг иродалари ва онгларида қатъий назар улар ўртасида юзага келадиган муайян алоқа ва

муносабатлар мавжуд. Улар ишлаб чиқариш муносабатлари ёки иқтисодий муносабатлар деб аталади.

МДХ мамлакатларида мулк шаклари бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг табақалаштириш янада юқорироқдир. Масалан, Ўзбекистон Республикасида 2000 йилда меҳнатга ҳақ тўлашга нисбатан фоиз ҳисобида давлат корхоналарида 125%, нодавлат корхоналарида 83,2%, ҳиссдорлик жамиятларида –147%, қўшма корхоналарда 238%, жамоа хўжаликларида – 45%ни ташкил этди.

Дастлабки босқичда хусусийлаштириш жараёни умумий уй-жой фондини, савдо маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш корхоналарини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш тизимини, хуллас "кичик хусусийлаштириш"ни қамраб олади.


Енгил маҳаллий саноатга, транспорт ва қурилишга, бошқа тармоқларга қарашли айрим ўрта ва йирик корхоналар кейинчалик сотиб олиниш ҳуқуқи билан кўпроқ ижара корхоналарга, жамоа корхоналарига ёпиқ типдаги акциядорлик жамиятларига айлантирилди.

Хусусийлаштириш чора тадбирлари тизимида давлат мулкни танлов асосида ҳамда ким ошди савдоларида сотиш орқали мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг янги шаклларида янада кенгрок, фойдаланилмоқда. Ҳозирги вақтда қоида тариқасида ким ошди савдоси орқали савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари - дўконлар, ресторанлар, меҳмонхоналар сотилмоқда.

Хусусийлаштиришда танлаб олинган ёндашувнинг навбатдаги муҳим хусусияти шундан иборатки, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш чоғида аҳоли учун кучли социал кафолатлар яратилди. Бунда фуқароларнинг мулкка эга бўлишида тенг ҳуқуқга эгаллиги қоидасида, шунингдек хусусийлаштирилаётган корхона меҳнат жамоаси аъзоларининг ижтимоий ҳимояланиш қоидасига амал қилинмоқда.

Иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичида хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида кичик хусусийлаштириш амалда тугалланди, давлат мулкни бошқариш ва уни мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантирилиши учун керак бўлган муассасалар тизими, махсус органлар тузилди. Ушбу доирада Президентимиз кейинги вақтлада ўз асарларида ижтимоий масалаларга, айниқса аҳолини даромади ва турмуш шароитини яхшилашга катта эътибор бермоқда. Қуйидаги банд айнан шу мақсадни кўзлаган ҳолда ёритилган ва ўзининг кенг мазмунига эга.

Президентимиз ўзларининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларида мамлакатимизда меҳнатни рағбатлантириш, иш ҳақини кўпайтириш ва аҳоли даромадлари ўсишини таъминлашга қаратилган сиёсатни амалга ошириш бўйича қўлга киритилган натижалар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар.




**1.2-расм. Бюджет соҳасида фаолият юритувчи ходимлар
иш ҳақининг ўсиши, марга**

Жамият аъзолари даромадлари даражаси улар турмуш фаровонлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланиб, шу билан бирга алоҳида шахсларнинг дам

олиши, билим олиши, соғлиғини сақлаши, энг зарур эҳтиёжларини қондириши имкониятларини белгилаб беради. Аҳоли пул даромадлари иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромад, нафақа, пенсия, стипендия шаклидаги барча пул тушумларини, мулкдан фоиз, дивиденд, рента шаклда олинадиган даромадларни, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хунармандчилик буюмларини сотишдан ва ҳар хил хизматлар кўрсатишидан келиб тушадиган даромадларни ўз ичига олади. Мамлакатимизда 2010 йилга қадар реал иш ҳақини 2-2,5 баробар ошириш бўйича қўйилган стратегик вазифага мувофиқ, 2008 йилда ҳам иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори 1,5 баробар кўпайтирилди **(1.2-расм).**


Бунинг натижасида мамлакатимизда ўртача номинал ҳисобланган иш ҳақи миқдори ҳисобот даврининг сўнгги ойига келиб 2007 йилдаги 270,6 минг сўмдан 2008 йилда 418,1 минг сўмга қадар ошди. Пенсияларнинг ўртача миқдори эса ҳисобот даврининг сўнгги ойига 2007 йилдаги 62,3 минг сўмдан 2008 йилда 98,3 минг сўмга етди **(1.3-расм).**



1.3-расм. 2008 йилда ўртача номинал иш ҳақи ва пенсия миқдорининг ўсиши, минг сўм

Агар 2007 йилнинг декабрида ўртача ойлик иш ҳақи, хўжалик субъектлари ва бюджет соҳаларини ҳисобга олганда, 210 АҚШ долларига тенг бўлса, 2008 йилда ўртача иш ҳақи бюджет ташкилотларида 1,5 баробардан зиёд, бутун иқтисодиёт бўйича эса 1,4 баробар ошиши натижасида ўртача иш ҳақи миқдори 300 АҚШ долларидан ортиқ бўлди. Аҳолининг реал пул даромадлари 2007 йилда 27 фоизга ортган бўлса, 2008 йил давомида 23 фоизга кўпайди **(1.4-расм).**

Шунингдек, Президентимиз ўз асарларида жорий 2009 йилда ўртача иш ҳақи миқдорини бюджет соҳасида – ва шунга мос равишда хўжалик юритувчи субъектларда ҳам – 1,4 баробар ошириш, инфляциянинг ўсиш кўрсаткичини 7-9 фоиз даражасида сақлаб туриш кўзда тутилаётганлигини қайд этдилар.




1.4-расм. Аҳоли реал пул даромадларининг ўсиши (ўтган йилга нисбатан % ҳисобида)

Табиийки, иш ҳақи ва аҳоли реал даромадларининг аҳамиятли даражада ўсиши миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ривожланиши билан

бир қаторда ташқи савдо ва экспорт соҳасидаги фаолиятнинг самарадорлигига ҳам боғлиқ. Ташқи бозорда конъюнктуранинг ёмонлашувиغا қарамасдан, ташқи савдо айланмаси 2007 йилдаги 15719,6 млн. долл.дан 2008 йилда 19077,0 млн. долл. ҳажмига қадар, яъни 21,4 фоизга ошди (1.5-расм).

Айни вақтда товарлар ва хизматлар экспорти 28,7 фоизга ортди. Натижада ташқи савдо балансида ижобий сальдо ҳажми сезиларли даражада ўсди. Бу эса ишончли тўлов баланси ва иқтисодиётимиз барқарорлигининг муҳим кўрсаткичи бўлиб хизмат қилмоқда.



1.5-расм. Ташқи савдо айланмаси ҳажмининг ўсиши, млрд. АҚШ долл.

Ташқи савдо таркибида чуқур ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан, кейинги йиллар мобайнида экспорт таркибида рақобатдош тайёр маҳсулот салмоғининг барқарор ўсиш тенденцияси ва хомашё етказиб берувчи тармоқлар маҳсулотлари улушининг камайиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда. 2008 йилда умумий экспорт ҳажмида хомашё бўлмаган товарларнинг улуши 71 фоиздан зиёдни ташкил этди. Айни вақтда Ўзбекистон учун анъанавий экспорт хомашёси бўлган пахта толасининг бу

борадаги улуши 2003 йилдаги 20 фоиздан 2008 йилда 9,2 фоизга тушди **(1.1-жадвал).**

**1.1-жадвал. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмасида
экспорт ва импорт динамикаси, млн. АҚШ долл**

Кўрсаткичлар	2007 йил	2008 йил	Ўсиш суръати, %да
Экспорт	8991,5	11572,9	128,7
Импорт	6728,1	7504,1	111,5

Жадвалдан кўринадики, 2008 йилда экспорт ҳажми 28,7 фоизга, импорт ҳажми эса 11,5 фоизга ортган. Таъкидлаш керакки, ташқи савдо муносабатларимиз географияси, аввало, ривожланиб бораётган Осиё қитъаси бозорлари билан савдо айланмасининг ўсиши ҳисобидан сифат жиҳатидан ўзгармоқда.

Бу кўрсаткичларнинг барчаси, аввало, экспорт таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган рақобатдош тайёр маҳсулот улушининг изчил ошиши, биринчи навбатда, иқтисодийтимизнинг ўсиб бораётган салоҳияти ва имкониятларидан далолат беради. Шу билан бирга, бундай ҳолат экспортимизнинг хомашё ресурслари нархи тез-тез ўзгариб турадиган жаҳон бозори таъсирига боғлиқлигини камайтиришда муҳим йўналиш бўлиб хизмат қилади.

Жаҳон иқтисодий инқирози давом этаётган ҳозирги шароитда бундай ўзгариш айниқса муҳим аҳамиятга эга. Нега деганда, бугунги кунда экспорт асосан хомашё етказиб беришдан иборат бўлиб, дунё бозоридаги нарх-наво ўйинларига ҳаддан ташқари боғланиб қолаётгани айрим мамлакатларда валюта тушумларини камайтирадиган, молиявий барқарорликнинг


ёмонлашувига олиб келадиган, иқтисодийни издан чиқарадиган жиддий факторга айланмоқда.

1.3. Аҳоли даромадларини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни аҳамияти

Бугунги кунда аҳоли даромадларини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначилик етакчи кучлардан бири сифатида қаралмоқда. Президентимизнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларида 2008 йилда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ҳам барқарор ривожланганлигига алоҳида эътибор қаратилган. Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юкини янада камайтириш, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг 10 фоиздан 8 фоизга, 2009 йилдан бошлаб эса 7 фоизга туширилганлиги, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларининг камайтирилганлиги ва аynи пайтда уни ҳисоблаш тартибларининг такомиллаштирилганлиги тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни изчил ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омиллар яратди.

Натижада 2008 йили фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони қарийб 400 мингтани ташкил этди, бу мазкур кўрсаткичнинг сўнгги олти йил мобайнида 1,9 баробар кўпайганлигини билдиради **(1.6-расм)**.

Фаолият кўрсатган кичик бизнес субъектларининг салмоғи 1,7% га, шу жумладан саноатда – 1,3% га, қурилишда – 3,4% га, транспортда – 22,2% га ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида – 9% га ошди. Фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектлари улуши 8,6% ни ташкил этди. Ўз ўрнида айтиш керакки, бу айрим ривожланган мамлакатлар кўрсаткичидан анча паст.




1.6-расм. Фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони, минг birlik

Кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажми ўтган йили салкам 22 фоизга кўпайди. Бу саноат тармоғидаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан анча кўпдир. Шунинг натижасида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2007 йилдаги 45,5 фоиздан 2008 йилда 48,2 фоизга кўтарилди (**1.7-расм**). Бугунги кунда мамлакатимизда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 76 фоиздан кўпроғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани айниқса эътиборлидир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ривожлантиришга оид дастурларни амалга ошириш натижасида ўтган йилда 37 мингдан ортиқ янги кичик бизнес субъектлари, 119,6 мингта яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Шунингдек, таркибий ўзгартирилаётган монополист-корхоналарнинг фойданилмаётган қувватларида 130 та турли мулкчилик шаклларига асосланган янги кичик корхоналар ташкил этилиб, уларда 7,5 мингга яқин иш ўринлари яратилди. 83 та банкрот корхоналар

негизида 92 янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, уларда 9,8 мингта иш ўринлари яратилди.



1.7-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши, фоизда

Мамлакатимиздаги аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликнинг турли шаклларини кенг жорий этиш, қишлоқ жойларда чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. 2008 йил мобайнида юртимизда 661 мингга яқин, жумладан, кичик бизнес соҳасида – 374 мингта, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида – қарийб 220 мингта, касаначилик ҳисобидан эса – 97 минг 800 та янги иш ўрни яратилди.

Иқтисодиётда иш ўринлари сонини кўпайтиришда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ва кенгайтириш муҳим ўрин тутади. 2008 йили алоқа, ахборотлаштириш, молия, банк, транспорт хизмати кўрсатиш, маиший техника ва автомобилларни таъмирлаш соҳалари анча юқори суръатлар билан ривожланди (**1.2-жадвал**).


Сўнгги тўрт йил мобайнида йилига ўртача 50 фоиз ўсишни таъминлаётган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида хизмат кўрсатиш жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Натижада хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2007 йилдаги 42,5 фоиздан 2008 йилда 45,3 фоизга ўсди **(1.8-расм)**.

1.2-жадвал. Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларининг ўсиш суръатлари, олдинги йилга нисбатан фоизда

Хизмат турлари	2007 йил	2008 йил
Бозор хизматлари	126,6	121,0
Шундан савдо ва умумий овқатланиш хизматлари	132,5	126,8
Транспорт хизматлари	121,1	112,7
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	151,5	140,1
Молия ва банк хизматлари	123,8	132,2
Туристик-саёҳат хизматлари	122,3	126,3
Меҳмонхона хизматлари	133,5	122,5
Маиший ва коммунал хизматлари	109,3	108,4
Автомобилларни таъмирлаш ва бошқа техник хизматлар	138,7	139,2
Бошқа хизматлар	142,5	130,6

Шу билан бирга, Президентимиз айти пайтда қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган хизматлар ҳажми йилдан-йилга ўсиб бораётганига қарамай, ҳали-бери паст даражада – бор-йўғи 26,8 фоиз бўлиб қолаётганига алоҳида

эътибор қаратиш лозимлигини, аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ҳам талаб даражасида эмаслигини таъкидлаганлар.



1.8-расм. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, фоизда

Мамлакатимизда ишчи кучи бандлиги ва аҳоли даромадларини оширишда касаначилик ҳамда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш соҳаларининг аҳамияти йилдан-йилга кучайиб бормоқда. **И.А.Каримов “Бугунги босқичда касаначилик соҳаси бандлик ва оила бюджети даромадларини оширишнинг қўшимча манбаига айланиб бораётганини ҳеч ким инкор этолмайди. Айни вақтда касаначилик фуқароларни, биринчи навбатда, хотин-қизлар, айниқса, кўп болали аёлларни, ёрдамга мухтож ногиронлар ва меҳнат қобилияти чекланган бошқа шахсларни ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш учун муҳим ижтимоий аҳамият касб этмоқда”².**

Жумладан, бу борада қуйидаги натижалар қўлга киритилди:

- 2008 йилда касаначилар томонидан 34 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди;

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.

- касаначилик орқали корхоналар ўзларига берилган имтиёзлар ҳисобидан 1 млрд. сўмдан ортиқ маблағни тежашга эришди;
- чорвачиликни ривожлантириш дастурининг ижроси доирасида 2008 йили кимошди савдоларида 20300 бош қорамол сотилди, 2009 йилда яна 24600 бош қорамол сотилган;
- агар 2007 йилда қорамол сотиб олиш учун 42,5 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилган бўлса, 2008 йилда бу рақам 48,2 млрд. сўмни ташкил этди;
- 2006 йилдан ҳозирга қадар кам таъминланган оилалар учун 103 мингдан зиёд қорамол берилди;
- 2009 йилнинг 1 январигача шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқувчи сифатида рўйхатга олинган фуқароларнинг умумий сони 1,1 млн. кишидан кўпроқни ташкил этди;
- қорамол боқувчи сифатида рўйхатга олинган фуқаролардан 54 минг кишига янги меҳнат дафтарчаси берилди, 111 минг фуқаронинг эса мавжуд меҳнат дафтарчасига иш стажи тегишли тартибда қайд этилди.

Умуман олганда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис, касаначилик соҳаларини барқарор ривожлантириш борасида аҳамиятли ишлар амалга оширилиб, улар пировардида аҳоли турмуш даражасининг юксалишига сезиларли таъсир кўрсатди. Ушбу ҳол Президент Ислон Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги **“Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”** номли маърузасида янада кенг ёритиб берилганлигини қуйидаги бандда кўришимиз мумкин.

2 Боб. Бозор ислохотлари шароитида аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини яхшилаш омиллари

2.1. Аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини яхшилаш асослари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини яхшилашга катта эътибор қаратилган. Республикамизда инқироз шароитида аҳолини ишончли ҳимоя қилиш, унинг даромади ва моддий фаровонлигини ошириш имкони таъминланди. Реал даромадлар 2009 йил давомида 26,5 фоизга кўпайгани, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўсиши ўрта ҳисобда 40 фоизни ташкил этгани бунинг тасдиғидир.

И.А.Каримов “Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида қабул қилинган мамлакатни демократлаштириш бўйича ўз моделимиз, иқтисодиётнинг мафкурадан холилиги ва сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислохотчи вазифаларини бажариши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш тамойилларига асосланган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш ушбу ютуқларни қўлга киритишда муҳим омил бўлмоқда”³.

Аҳолининг ҳар бир аъзоси турмуш шароитларини ошириш, билим олиш имкониятларини кенгайтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ишчи кучи сифатида ижтимоий фойдали меҳнатда иштирок этиш салоҳиятини юксалтириш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан

³ А.Бекмуродов ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 340 бет.

ҳисобланади. Ана шу маънода аҳоли муҳофазасини таъминлашдаги биринчи ва асосий вазифа ҳам инсонни камол топтириш, унинг оила ва жамиятдаги ўрни ҳамда нуфузини кўтариш билан боғлиқ. Бинобарин, жамиятнинг инсонпарварлиги мамлакат иқтисодий салоҳиятининг қанчалик юксаклиги билангина эмас, балки бу салоҳият ҳар бир кишининг фаровон яшаши ва ҳар томонлама ривожланиши учун йўналтирилгани билан ҳам баҳоланади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда аҳолини, айниқса кам таъминланган аҳоли қатламини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун ҳар йили давлат бюджетидан муайян миқдорда маблағ ажратилмоқда. Бундай ёрдам ўтиш даврида ҳам, инқироз шароитида ҳам аҳолининг иқтисодий барқарорлигини таъминлашда муҳим роль ўйнади.

Маълумки, жамият тараққиётида аҳолининг муҳтож қатламларини социал муҳофаза қилиш нафақат ижтимоий, айти вақтда сиёсий аҳамиятга эгадир. Чунки жамиятнинг ўзагини ташкил этувчи инсон унинг юксалиш даражаси, ҳақиқий қиёфасини белгилайди. Шу боисдан, аҳолининг мазкур қатламларининг ижтимоий-иқтисодий ва демографик ҳолати миқдорий ўзгаришларини, уларнинг даромадлари ва харажатларининг шаклланиш хусусиятларини, таркибини ўрганиш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида аҳоли даромадлари таркибида қатор ўзгаришлар содир бўлди:

-биринчидан, даромад шакллари ўзгарди, яъни унинг анъанавий турлари (иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендия) қаторига мутлақо янгилари - тадбиркорлик фаолиятидан, мулкдан, кўчмас мулкдан, қимматли қоғозлардан, чет эл валютасидан келадиган даромадлар қўшилди;

-иккинчидан, даромадларнинг таркибий қисмлари миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгарди, бу борада фуқаро ихтиёридаги ҳақиқий даромадлар, тўпланиш ва ажралиш коэффициенти, даромад танқислиги, тирикчилик

минимуми, қашшоқлик даражаси, оила пул даромадларининг харид қобилияти каби тушунча ва категориялар пайдо бўлди;

-учинчидан, даромадлардан фойдаланишнинг янги йўналишлари пайдо бўлди: мажбурий тўловлар ва бадаллар, чет эл валютаси, қимматли қоғозлар ва шахсий мулкни сотиб олиш учун харажатлар, тижорат банкларига кўйилмалар шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, аҳоли даромадларининг даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг зарурий эҳтиёжини қондириш, саломатлигини сақлаш, дам олишини ташкил этиш, маълумот олиши, бўш вақтларини маданий тарзда ўтказиши бўйича имкониятлари шунчалик кўп бўлади. Мамлакатимизда аҳоли даромадларининг шаклланиши ўзига хос хусусиятга эга **(2.1-жадвал)**.

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2009 йилда мамлакатимизда аҳоли ялпи даромадларининг 86,5 фоизни пул даромадлари, қолган 13,5 фоизни натурал шаклдаги даромадлар ташкил этган. Бироқ, таҳлил қилинаётган даврда аҳоли даромадларининг ўзгариши бир меъёردа кечмаган. Чунончи, 2005-2009 йиллар давомида аҳоли даромадлари таркибида пул даромадларининг улуши 82,4 фоиздан 86,5 фоизга ёки 4,1 пунктга ўсган, аксинча натурал шаклдаги даромадлар миқдори 17,6 фоиздан 13,5 фоизга ёки 4,1 пунктга камайган.

Аҳоли даромадлари таркибида пул даромадлари улушининг ортиши унинг шаклланиш манбаларига боғлиқ. Яъни, таҳлил этилаётган даврда иш ҳақининг 28,2 фоиздан 30,0 фоизга, тадбиркорлик фаолиятидан олинadиган даромаднинг 12,9 фоиздан 19,4 фоизга, ижтимоий трансфертларнинг 15,5 фоиздан 17,2 фоизга, мулкдан олинadиган даромаднинг 1,3 фоиздан 1,9 фоизга ўсгани ялпи даромад таркибида пул даромадлари улушининг ортишига олиб келган. Шу билан бирга, бу даврда аҳоли даромадларининг таҳлили шахсий ёрдамчи хўжаликдан олинган даромаднинг 17,8 фоиздан 12,8 фоизга, қариндошлардан олинган моддий ёрдамнинг 5,2 фоиздан 2,8 фоизга камайдиганини, кредит, ссудаларнинг (1,4 фоиз) ўзгармаганини

кўрсатди.


**2.1-жадвал. Ўзбекистон Республикасида аҳоли даромадлари
ўзгариши*, фоиз ҳисобида**

Кўрсаткичлар	Йиллар					2009 йилда 2005 йилга нисбатан (+,-)
	2005	2006	2007	2008	2009	
Ялпи даромад	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	-
Пул даромадлари	82,4	83,8	84,5	85,5	86,5	4,1
шу жумладан:						
Иш ҳақи	28,2	29,0	29,4	29,7	30,0	1,8
Тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад	12,9	15,1	15,4	18,1	19,4	6,5
Шахсий ёрдамчи хўжаликдан олинган даромад	17,8	17,7	17,0	15,3	12,8	-5,1
Ижтимоий трансфертлар	15,5	16,0	16,7	16,9	17,2	1,7
Қариндошлардан олинган моддий ёрдам	5,2	4,2	4,1	3,1	2,8	-2,4
Мулкдан олинган даромад	1,3	1,2	1,1	1,5	1,9	0,6
Кредит, ссудалар	1,4	0,5	0,6	0,9	1,4	0
Бошқа пул даромадлари	0,1	0,1	-	-	-	-0,1
Натурал шаклдаги даромадлар	17,6	16,2	15,5	14,5	13,5	-4,1

*Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Ўзбекистон ҳукумати ўз зиммасига мамлакатимизда кам таъминланган тоифа миқдорини камайтириш ва жамиятимиз ҳаётида инсонпарварлик тамойилларининг янада ривожланишига кўмаклашиш мақсадида Мингйиллик ривожланиш мақсадлари борасида маълум бир мажбуриятларни ўз зиммасига олган. Халқаро ҳамжамият, шу жумладан, БМТнинг турли таркибий тузилмалари бу борада молиявий ёрдам бериш ва мамлакатимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш орқали кўмаклашишга ҳозирлигини изҳор этади.

Ўзбекистоннинг 2015 йилгача бўлган даврдаги вазифаси кам таъминланган аҳоли ҳиссасини 50 фоизга қисқартиришдан иборат. Мамлакатимизда аҳолини самарали муҳофаза қилишга йўналтирилган мақсадли чора-тадбирлар ҳамда юксак иқтисодий ўсиш ва бандлик суръатлари аҳоли фаровонлигини оширишни таъминламоқда. Қуйидаги **2.1-расмда** аҳолини турмуш сифатининг шаклланишига таъсир кўрсатадиган омиллар берилган.



2.1-расм. Турмуш сифатининг шаклланишига таъсир кўрсатадиган омиллар

**2.2-жадвал. 2009 йилда Ўзбекистон аҳолисининг озиқ-овқат
маҳсулотлари билан таъминланиш даражаси**

Озиқ-овқат маҳсулотлари турлари	Ўлчов бирлиги	Ички истеъмол талаби*	Ишлаб чиқариш ҳажми	Таъминлаш даражаси, фоизда
Сабзавот	минг тн.	3812,4	5704,7	149,6
Картошка	минг тн.	1761,4	1524,5	86,5
Полиз	минг тн.	578,0	1071,0	185,3
Мева	минг тн.	2417,0	1542,9	63,8
Узум	минг тн.	617,2	899,6	145,7
Гўшт (сўйилган вазнда субмаҳсулот билан)	минг тн.	1318,7	916,4	69,5
Сут	минг тн.	4118,6	5779,0	140,3
Тухум	млн. дона	8214,4	2715,9	33,1
Ун	минг тн.	2747,4	3675,0	133,8
Ўсимлик ёғи	минг тн.	222,7	236,1	106,0
Мева-сабзавот консервалари	млн. ш.б.	360,8	454,3	125,9

*) Ички истеъмол қуйидагиларни ўз ичига олади:

- аҳолининг истеъмол меёри;
- қайта ишлашга йўналтирилган ҳажм;
- келгуси йил ҳосили учун уруғлик ҳажми.

Аҳоли реал даромадларининг ошишида макроиктисодий шароитнинг қулайлиги, иқтисодий ўсишнинг тез суръатларда ортиб бориши, инфляциянинг сезиларли даражада пасайиши, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва аҳолини аниқ ижтимоий ҳимоя қилишнинг кучайиши ҳисобланади. Бундай шароитда аҳолининг ўсиб бораётган тўлов қобилияти

билан мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари ҳажми ўртасида ички бозорда мутаносибликни таъминлаш, бундай маҳсулотлар турини кенгайтириш, бозорларимизни улар билан ишончли тарзда тўлдириб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки аҳолининг турмуш фаровонлиги кўп жиҳатдан унинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиши даражасига боғлиқ бўлади (2.2-жадвал).

2.3-жадвал. Ички бозордаги асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг ўртача нархлари, сўмда

Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2009 йилда 2008 йилга нисбатан, фоизда
Буғдой уни	1 кг	670	926	871	94,1
Гуруч	1 кг	881	2842	2069	72,8
Ўсимлик ёғи	1 литр	2197	2764	2520	91,2
Шакар	1 кг	1114	1327	2118	159,6
Чой	1 кг	3504	4319	5260	121,8
Мол гўшти	1 кг	4656	5998	6646	110,8
Сут	1 литр	558	688	734	106,7
Тухум	10 дона	1754	2395	2208	92,2
Картошка	1 кг	514	627	591	94,3
Карам	1 кг	269	287	267	93,0
Пиёз	1 кг	222	783	406	51,9
Сабзи	1 кг	239	279	261	93,5

Айни пайтда аҳоли фаровонлиги, унинг реал даромадига таъсир кўрсатадиган омиллардан бири – ички бозордаги озиқ-овқат маҳсулотларининг нарх даражаси ҳисобланади **(2.3-жадвал)**. Чунки, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ошиши аҳоли реал даромадларининг пасайишига, аксинча, нархларнинг пасайиши эса, ҳаттоки номинал даромад ўзгармаган тақдирда ҳам, реал даромаднинг ошишига олиб келади.

Жадвалда келтирилган маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2009 йил давомида ўтган йилга нисбатан бир қатор маҳсулотларнинг нархлари пасайганини кўрамыз. Буни мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш борасидаги самарали чора-тадбирлар натижаси сифатида баҳолаш мумкин. Ўз ўрнида шуни ҳам таъкидлаш лозимки, 2009 йилда шакар (159,6 фоиз), чой (121,8 фоиз), мол гўшти (110,8 фоиз), (сут 106,7 фоиз) каби маҳсулотларнинг нархи ошган. Бироқ, нархлар индексидаги бу ўзгаришлар аҳоли даромадларининг ўтган 2009 йилдаги 40 фоиз ўсиши билан тўлиқ қопланиб, аҳоли жон бошига реал даромадларнинг 26,5 фоиз ошишига эришилди.

Аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини яхшилашни бугунги кунда тўғидан-тўғри айтиш мумкин миллий иқтисодиётни барқарор ривожланганлиги билан белгиланади. Республикамизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари **2008 йилда 9 фоиз, 2009 йилда 8,1 фоиз, 2010 йилда эса 8,5 фоизни** ташкил этди. Жаҳон молия институтларининг хулосасига кўра, бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири экани албатта барчамизга маълум. Кейинги ўн йилда, яъни 2000 йилга нисбатан таққослаганда, 2010 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1,7 баробар ошди.

Харид имкониятлари мутаносиблигини ҳисобга олган ҳолда санаганда, ялпи ички маҳсулотнинг 2010 йилда 2000 йилга нисбатан ўсиши 2,6 каррани ташкил қилди. Ўз-ўзидан равшанки, буларнинг барчаси иқтисодиётимизнинг

юқори суръатлар билан барқарор ўсиб бораётгани ва мамлакатимизда рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришлардан далолат беради.

Иқтисодиётимизда 2010 йили юқори ўсиш суръатлари таъминланиб, аҳолининг реал даромадлари 123,5 фоизга ошди, 2010 йилда инфляция даражаси 2009 йилдаги 7,4 фоиз ўрнига 7,3 фоизни ташкил қилди. Бу авваламбор қатъий, шу билан бирга, пухта ўйланган пул-кредит сиёсати ва инқирозга қарши кўрилган самарали чора-тадбирларнинг натижасидир.

Айтиш керакки, бундай иқтисодий ўсиш кўп жиҳатдан иқтисодиётда солиқ юкини пасайтиришга қаратилган ва изчил амалга оширилаётган сиёсат билан боғлиқ. Жумладан, 2010 йилда юридик шахслар учун даромад солиғи 9 фоизгача, микрофирмалар ва кичик бизнес учун ягона тўлов 7 фоизгача туширилгани бунинг амалий тасдиғидир. Шу борада 2010 йили Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан ошириб, яъни 0,3 фоиз профитцит билан бажарилган.

Иқтисодиётимизда юз бераётган ижобий ўзгаришларни яққол тасаввур қилиш учун қуйидаги рақамларга эътибор қаратиш лозим. Агар ўн йил олдин, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноатнинг ҳиссаси атиги 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 24 фоизни, транспорт ва алоқанинг улуши тегишли равишда 7,7 ва 12,4 фоизни ташкил этди, хизматлар бўйича бу рақам 37 фоиздан 49 фоизга ўсди. Қишлоқ хўжалигининг улуши эса 30,1 фоиздан 17,5 фоизга тушди. Бу ҳам бевосита ва билвосита аҳоли даромадларига ўз таъсирини кўрсатади.

Шунга алоҳида эътибор қаратиш керакки, қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши камайиб бораётган бир шароитда ушбу соҳада маҳсулот етиштириш юқори суръатлар билан кўпаймоқда. 2010 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2009 йилга нисбатан 6,8 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 1,8 баробар ошгани ҳам шундан далолат беради.

Бизнинг бу борадаги энг катта ютуғимиз ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши кўпайгани ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда унинг роли сезиларли даражада ошганида намоён бўлмоқда. 2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушига тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 52,5 фоизни ташкил этди.

2010 йилда саноат ишлаб чиқариш таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотнинг улуши 50 фоиздан зиёдни ташкил этди. Мамлакатимиз саноат корхоналари томонидан ўтган йили 160 дан ортиқ турдаги янги товар ва маҳсулотлар, жумладан, мутлақо янги технологик платформа негизда “Спарк” енгил автомобилини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, катта ҳажмда юк ташийдиган “МАН” автомобилларини, энергия тежайдиган лампалар, “ЭлЖи” русумидаги жаҳонга машҳур холодилникларни йиғиш, калий ўғитлари ва бошқа муҳим маҳсулотларни ишлаб чиқариш бошлаб юборилди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2010 йилда 1 минг 76 та лойиҳа амалга оширилди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 баробар ошди, импорт ўрнини босиш бўйича якуний самарадорлик 3 миллиард 400 миллион долларни ташкил қилди ва бу 2009 йилга нисбатан 1,2 баробар кўп демакдир.

Корхоналар ўртасида кооперация алоқалари мустаҳкамланмоқда, бу жараёнга кичик корхоналар ва хусусий бизнес субъектлари тобора кенг жалб қилинмоқда. 2010 йилда ўтказилган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооператцион биржада дунёнинг 51 мамлакатидан 700 дан ортиқ хорижий фирма ва компания вакиллари қатнашди, 500 дан ортиқ янги турдаги

махсулот намоиш этилди, қиймати 2 триллион 600 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг 15 та тижорат банки “Фитч Рейтингс”, “Мудис” ва “Стандарт энд Пурс” каби етакчи халқаро рейтинг агентликларининг “барқарор” деган рейтинг даражасига эгадир. Банкларнинг кредит ва инвестиция фаолиятида ҳам ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. 2010 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 35 фоизга кўпайди. Шуниси эътиборга лойиқки, 2010 йилнинг охиридаги ҳолат бўйича ички манбалар ҳисобидан берилган кредитларнинг тижорат банклари умумий кредит портфелидаги ялпи улуши 85,1 фоизни ташкил этди.

Ташқи қарзлар асосан узоқ муддатга, фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизатция қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинди. Банкларнинг кредит портфели таркибида ҳам сифат ўзгаришлари рўй бермоқда. Умумий кредит портфелида узоқ муддатли, яъни 3 йилдан ортиқ муддатга бериладиган инвестиция кредитларининг улуши 2000 йилнинг охиридаги 35 фоиздан 2010 йилнинг охирида 75,2 фоизга ўсди.

2010 йил давомида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 1,4 баробар кўпайди ва 2 триллион 700 миллиард сўмни ташкил этди. Жумладан, микрокредитлар ҳажми 485 миллиард сўмдан ортиб, бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 1,5 баробар кўпайди. Тўланмай қолган қарзлари туфайли банкларнинг балансига ўтказилган банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш борасидаги тижорат банкларининг фаолияти юксак баҳолашга моликдир.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжаликлариغا бириктирилган ер участкаларини оптималлаштириш, пахта ва ғалланинг

харид нархларини ошириш бўйича амалга оширилаётган изчил ишлар натижасида иқтисодиётимизнинг аграр секторида таркибий сифат ўзгаришлари юз бермоқда.

Пахта ва ғалла каби стратегик муҳим қишлоқ хўжалиги экинлари билан бир қаторда, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик соҳаларида ҳам ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсди, қайта ишлаш тармоқлари ва ички бозорни сут, гўшт, картошка, сабзавот каби энг муҳим озиқ-овқат ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан янада кўпроқ тўлдириш учун мустаҳкам хомашё базаси яратилмоқда. Бу қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини оширувчи асосий воситадир.

Инвестицион фаолият миллий иқтисодиётни барқарор ривожланишида асосий кучлардан биридир. Мамлакатимизда 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 13,6 фоизга кўп, яъни 9 миллиард 700 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги инвестициялар ўзлаштирилди, бу ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 25 фоизини ташкил этади. Ушбу инвестицияларнинг салкам 72 фоизи ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга, жумладан, 38 фоизга яқини асбоб-ускуна ва илғор технологиялар сотиб олишга йўналтирилди. Шу борадаги умумий қўйилмалар ҳажмида хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши 28,8 фоизни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори эса 2 миллиард 400 миллион доллардан зиёдни ташкил этди.

Барча молиявий манбалар ҳисобидан техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун йўналтириладиган инвестициялар ҳажми 3 миллиард 800 миллион доллардан ошгани ёки 2010 йилдаги барча капитал қўйилмаларнинг 37,5 фоизини ташкил этгани принципиал муҳим аҳамиятга эгадир.

Аҳоли турмуш сифатини оширишнинг асосий омилларидан бири соғлиқни сақлаш тизимини яхшилаш ва унинг иш фаолиятини такомиллаштириш. 2010 йилда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш ва ушбу тизимда сифат ўзгаришларини амалга оширишни таъминлаш

борасидаги ишлар давом эттирилди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда сифат жиҳатидан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган ва республика ҳамда вилоятлар шошилишч тиббий ёрдам кўрсатиш марказларини ўз ичига олган тиббиёт муассасалари тармоғи шаклланди.

Барча вилоятлар марказларида катталар ва болалар учун кўп тармоқли тиббиёт марказлари, ҳар бир туманда энг замонавий медитсина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу қишлоқ врачлик пунктларининг сони 2000 йилга нисбатан 2 баробар кўпайиб, 3 минг 200 тадан ошди. Сўнгги йилларда мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича юксак самарали замонавий тиббиёт муассасаларининг мустаҳкам тизими яратилгани шу йўлдаги муҳим қадам бўлди.

Барча вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида скрининг марказлари ташкил этилди ва уларнинг фаолиятини таъминлаш учун 2010 йилнинг ўзида 4 миллион доллардан ортиқ маблағ йўналтирилди. 2010 йилда 116 минг нафардан зиёд бўлажак она скрининг марказларида тиббий кўрикдан ўтказилди. Шу билан бирга, перинатал марказлар тармоғи ҳам жадал ривожланмоқда. Ўтган ўн йил давомида юртимизда 11 та перинатал марказ ташкил этилди. 2010 йилда уларда 158 минг нафардан ортиқ, яъни 2000 йилга нисбатан 10 баробар кўп она ва бола тиббий кўрикдан ўтказилди.

Бунинг натижасида кейинги ўн йилда мамлакатимизда оналар ўлими коеффитсиенти 33,1 промилледан 19,7 промиллега, болалар ўлими коеффитсиенти эса 18,9 промилледан 10,1 промиллега тушди. Туғма ва ирсий касалликлар билан туғиладиган болалар сони қарийб икки баробар камайди.

Шу йилларда аҳолининг юқумли касалликлар, жумладан, сил, гепатит каби оғир турдаги ва бошқа хасталикларга чалинишининг умумий даражаси анча пасайди. Бундай натижаларга эришишда шифокорлар ва тиббиёт ходимларининг меҳнатини моддий рағбатлантиришни кучайтириш, уларнинг

касб тайёргарлиги даражасини ошириш, мамлакатимиз фарматсевтика саноатини жадал ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳам муҳим омил бўлмоқда. Биргина 2010 йилнинг ўзида 32 номдаги янги дори препаратларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди ва бу 2009 йилга қараганда 23 фоизга кўпдир.

2010 йилда статсионар тиббиёт муассасаларида қўшимча равишда 1 минг 630 та ёки 2009 йилга нисбатан қарийб 2,5 марта кўп даволаниш ўринлари фойдаланишга топширилди. Ҳисобот даврида соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш учун жами 2 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди, бунинг 1 триллион 700 миллиард сўми бюджет маблағларидир.

2010 йили қишлоқ жойларда биз 2009 йилда бошлаган, қулай ва барча коммунал хизмат шароитларига эга бўлган якка тартибдаги турар-жой массивларини комплекс қуриш ишлари эътиборимиз марказида бўлгани барчамизга маълум. Айниқса, якка тартибда қурилаётган уй-жойлар лойиҳаларининг қулайлик нуқтаи назаридан бошқатдан кўриб чиқилиб, ажратиладиган ер участкалари ҳажмини тўрт сотих ўрнига олти сотих қилиб белгилаш тўғрисида қабул қилинган қарорлар алоҳида аҳамият касб этди. Натижада 2010 йили мамлакатимизнинг барча 159 та қишлоқ туманида намунавий лойиҳалар бўйича тайёр ҳолда топшириш шарти билан 6 минг 800 та уй-жой барпо этилди.

Ушбу мақсадларга қарийб 430 миллиард сўм миқдоридаги капитал қўйилмалар, жумладан, 250 миллиард сўмдан ортиқ узоқ муддатли имтиёзли кредитлар йўналтирилди. Бу маблағ 2009 йилга нисбатан 9 баробар кўпдир. Дастурни амалга ошириш бошланганидан буён янги массивларда қишлоқ аҳолисининг қулай ва муносиб яшаши учун зарур бўлган 165 та ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объекти барпо этилди.

Айни пайтда янгитдан курилатган турар-жой массивларида замонавий турдаги муҳандислик-коммуникатсия тармоқлари ҳам жадал бунёд қилинмоқда. 103 километрдан ортиқ газ, қарийб 100 километрлик сув тармоқлари, 71 километрдан зиёд электр узатиш линиялари, шунингдек, умумий узунлиги 85 километр бўлган ички йўллар қурилди.

Ичимлик суви, электр ва газ таъминоти, шунингдек, аҳоли пунктларининг санитария аҳволини яхшилаш бўйича янги коммунал инфратузилма тармоқлари ва объектларини қуриш, модернизатсия ҳамда реконструкция қилиш ишлари тизимли асосда олиб борилмоқда.

Бугунги кунда биз учун энг долзарб муаммолардан бири бўлмиш юртимизда меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш бўйича амалга оширилган ишларимиз ҳақида. 2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилганини катта мамнуният билан қайд этишимиз лозим. Бу янги ташкил қилинган умумий иш ўринларининг 600 мингдан зиёди ёки 65 фоизи кичик бизнес соҳаси ва фермер хўжаликларига, 210 мингдан ортиғи касаначилик соҳасига тўғри келади.

Аҳоли даромади ва фаровонлигини ошириш борасида ҳам сифат жиҳатидан чуқур ўзгаришлар юз бермоқда. Аҳолининг иш ҳақи ва умуман, пул даромадлари барқарор ошиб бормоқда, унинг харид қобилияти муттасил ўсмоқда, фуқароларимиз истеъмол қиладиган маҳсулотлар таркибининг сифати ортмоқда. Биргина 2010 йилда бюджет соҳаси муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори 32 фоизга, аҳолининг умумий пул даромадлари эса жон бошига 1,3 баробар ошди.

Аҳолининг даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромад улуши тобора салмоқли ўрин эгалламоқда ва барча даромадларнинг 47 фоиздан ортиғи ушбу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда. Юртимизда оилаларнинг сифатли ва узоқ муддат фойдаланадиган истеъмол

товарлари билан таъминланиш даражаси сезиларли равишда ошди. Жумладан, бугунги кунда ҳар 100 та оилага ўртача 132 та телевизор, 99 та холодильник, 18 тадан зиёд кондиционер, 12 та шахсий компьютер, 27 тадан ортиқ енгил автомобил тўғри келмоқда.

2.2. Сирдарё вилоятида аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини ошириш омиллари

Республикамизни бошқа вилоятлари қатори Сирдарё вилоятида ҳам аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини яхшилаш аввало вилоят миқёсида фаолият кўрсатувчи корхоналарни оптимал иш фаолиятига боғлиқ. Қуйидаги макроиктисодий кўрсаткичлар бевосита ва билвосита аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини кўрсатиб берувчи омиллардир. 2010 йил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 386,7 млрд. сўмни ёки 111,6 фоизни, капитал қўйилмалар 342,4 млрд сўмни ёки 149,1 фоизни, қурилиш-пудрат ишлари 122,3 млрд сўмни ёки 139,3 фоизни, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 601,5 млрд сўмни ёки 106,5 фоизни, чакана товар айланмаси 410 млрд сўмни ёки 119,3 фоизни ташкил қилган. Экспорт ҳажми 144,6 млн АҚШ долларни ёки 216,4 фоизни, жумладан, вилоят ҳудуди тасарруфидаги корхоналар томонидан 41,8 млн АҚШ доллари миқдорида экспорт амалга оширилган[иловалар].

Шунингдек, пуллик хизматлар 95,6 млрд сўмни ёки 2009 йилга нисбатан 108,7 фоизни ташкил қилган. Ўз навбатида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми 1008,3 млрд сўмни ёки 2009 йилга нисбатан 110,2 фоизни ташкил этган. Маҳаллий бюджетнинг даромадлар қисми режаси 150417 млн. сўм бўлиб, ҳақиқатда 154350,3 млн. сўмни ташкил этган. 2010 йилда маҳаллий бюджетнинг харажат қисми 227964,1 млн.сўмни ёки 2009 йилга нисбатан 162,8 фоизни ташкил этди. Ушбу маблағларнинг асосий қисми:

-ижтимоий-маданий тадбирлар учун 168882,8 млн. сўм (2009 йилга нисбатан 159,0 %);

-аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун 29930,0 млн. сўм. (2009 йилга нисбатан 119,7 %);

-бошқа харажатлар учун 29151,3 млн сўм (2009 йилга нисбатан 134,9 %) сарфланган.

2009-2012 йилларда вилоятнинг саноат салоҳиятини ошириш, истиқболсиз корхоналарни таркибий ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш ёхуд тугатиш ҳудудий дастури доирасида ўзига хос ишлар амалга оширилган. Дастурда жами 143 та лойиҳа киритилган бўлиб, умумий қиймати 110,4 млрд.сўм ва 114,3 млн АҚШ доллари (ташабускорларнинг ўз маблағлари 40,4 млрд.сўм, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 114,3 млн АҚШ доллари, банк кредитлари 70,1 млрд.сўм) миқдорида маблағ сарфланиши режалаштирилган.

Дастурга хорижий сармоя иштирокида маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни кенгайтириш ва янги ишлаб-чиқариш қувватларини ишга тушириш бўйича умумий қиймати 108,2 млн АҚШ долларига тенг 16 та лойиҳа киритилди. Дастурда асосий эътибор маҳаллий хом-ашёларни қайта ишлаш ҳисобига тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган, 53 та ноозиқ-овқат жумладан, 13 та корхоналарни модернизация ва технологик қайта жиҳозлаш ва 40 та янги корхоналар ташкил этиш ҳисобига вилоятда хом ипак, трикотаж маҳсулотлари, полиграфия маҳсулотлари, тайёр тикув буюмлар, пластмасса маҳсулотлари, тери галантерияси ва бош кийимлар, тиббий маҳсулотлар, мебель жиҳозлари, ветеринария дори воситалари, гилам, ип калава, текстиль галантерияси, пайпоқлар ишлаб-чиқариш йўлга қўйилади.

Жумладан, вилоятда 20 та қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган Янги корхоналар ташкил ташкил этилиб, улар томонидан ғишт, брусчатка,

фундамент блоклари, черепица, ДСП, алюмин эшик ва ромлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади ва лойиҳаларни амалга ошириш учун 25,4 млрд.сўм маблағлар жалб этилади. Албатда бу жараёни тўлиқ амал қилиши юқорида айтиб ўтганимиздек, аҳолини иш билан бандлигини таъминлайди, ҳамда даромадлари ўсишига имконият яратади, ўз навбатида турмуш сифати яхшиланади.

Дастурда асосий эътибор маҳаллий ҳом ашёни қайта ишлаб тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қаратилган бўлиб, биринчи навбатда енгил саноатни ривожлантириш кўзда тутилган. Ушбу дастур доирасида 32620 тонна ип калава ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бундан ташқари 2011 йилда Ўзбекистонда йирик бўлган қуввати 700 минг жуфт эркаклар, аёллар ва болалар ҳамда 4 млн кв.метр керамик плитаси ишлаб чиқарадиган «ПЕНГ-ШЕНГ» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси ҳамда 48 минг тонна офис қоғози ва гипсокартон ишлб чиқарадиган «Асл қоғоз» қўшма корхонаси ишга туширилади.

“Сирдарё вилоятининг саноат салоҳиятини ошириш, шунингдек истиқболсиз корхоналарни таркибий ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш ёки тугатиш буйича ҳудудий Дастури”га кўра, 2010 йил мобайнида умумий қиймати 54,1 млрд. сўм ва 33,7 млн. доллар қийматдаги жами 63 та лойиҳаларнинг амалга оширилиши белгиланган. Жами 61 та лойиҳа амалга оширилиб, умумий қиймати 21,4 млрд. сўм ва 29,4 млн. доллар миқдорида инвестициялар жалб қилинди ҳамда 1278 та янги иш ўринлари яратилди.

Саноат билан бирга вилоят иқтисодиётида ва аҳоли турмуш шароитини яхшиловчи омиллардан бири қишлоқ хўжалигидир. 2010 йилда 182,7 минг тонна (117,1%) сабзавот, 28,8 минг тонна (13,5%) картошка, 209,3 минг тонна (105,7%) полиз, 19,8 минг тонна (112,3%) мева, 8,4 минг тонна (108,1%) узум, 200,4 минг тонна сут (102,3%), 40,1 минг тонна гўшт (100,6%), 54,8 млн дона

(100,5%) тухум, 410,7 тонна жун (110%) ва 586,9 тонна пилла (103,5%) етиштирилган[иловалар].

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтириш бўйича 2010 йилда йирик шохли қора-моллар учун кам таъминланган 626 та оилаларга 1534,6 млн сўмлик имтиёзли кредитлар берилган. Шунингдек, кам таъминланган кўп болали оилаларга 412 бош бепул қора-мол берилиб, уларнинг қўшимча даромад олишига ва турмуш даражасини яхшиланишига шароит яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2009 йил 28 январдаги ПҚ-1050-сонли қарорининг ижроси бўйича вилоятда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилди, жумладан:

- Пахтали матолар (марли) ишлаб чиқариш прогнози 4,8 млн. кв.метр белгиланган бўлиб, амалда 4,9 млн.кв.метр ёки қўйилган прогноз 104,2 фоизга бажарилган;

- Шунингдек, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш прогнози 1,05 млн. дона белгиланган бўлиб, амалда 1,07 млн дона ёки прогноз 101,9 фоизга бажарилган;

- Вилоят бўйича 0,091 млн жуфт пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш прогнози белгиланган бўлиб, амалда 0,093 млн жуфт маҳсулот ишлаб чиқарилди ва прогноз 104,3 фоизга бажарилган;

- Галантерея буюмлари ишлаб чиқариш прогнози 0,07 млрд. сўм белгиланган бўлиб, амалда 0,08 млрд. сўм ёки прогноз 104,7 фоизга бажарилган;

- Парфюмерия ва косметика товарлари ишлаб чиқариш прогнози 23,9 млн. сўм белгиланган бўлиб, амалда 24,4 млн. сўм ёки прогноз 104,2 фоизга бажарилган;

- Маданий маиший турдаги товарлар ишлаб чиқариш прогнози 66,1 минг дона белгиланган бўлиб, амалда 67,5 минг дона ёки прогноз 104,1 фоизга бажарилган;

- Шунингдек, тикув маҳсулотлари ишлаб чиқариш прогнози 0,14 млн. дона белгиланган бўлиб, амалда 0,15 млн дона ишлаб чиқарилиб белгиланган прогноз 109,3 фоизга бажарилган.

Аҳоли турмуш шароитини яхшиланишида ташқи фаолиятни ўрни каттадир. 2010 йил якунлари бўйича вилоятнинг ташқи савдо айланмаси **214,3** млн. АҚШ долларини ёки 2009 йил кўрсаткичига нисбатан 190,5 фоизни, шу жумладан маҳсулот ва хизматлар экспорти **144,6** млн. АҚШ долларни ёки 216,4 фоизни, импорт **69,6** млн. АҚШ долларни ёки 152,6 фоизни ташкил қилди, вилоят ташқи савдо айланмасидаги ижобий қолдиқ 75,0 млн. АҚШ долларига тенг бўлди.

Вилоятда *экспортнинг* асосий қисмини пахта толаси ташкил этиб, унинг умумий экспорт ҳажмидаги улуши 68,0 фоизни ташкил этади (98,3 млн. АҚШ доллари). Қолган маҳсулот турларининг умумий экспорт ҳажмидага улуши 32,0 фоизга тенг бўлиб, улар қуйидагилардан ташкил топган:

- озиқ-овқат маҳсулотлари 31940,3 минг АҚШ доллар;
- кимё маҳсулотлари ва пластмасса 194,8 минг АҚШ доллар;
- машина ва асбоб-ускуналар 83,5 минг АҚШ доллар;
- хизматлар 1085 минг АҚШ доллар;
- бошқалар 13005,6 минг АҚШ доллар.

Рақамлардан кўриниб турибдики, вилоятда 2009-2010 йиллар давомида маҳсулот ва хизматлар экспорти хом ашё экспортидан қайта ишлаш маҳсулотлари экспортига (асосан хўл мева ва қайта ишланмаган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳисобига) ўзгариб бормоқда.

Вилоятда *импортнинг* асосий қисмини машина ва асбоб-ускуналар ташкил этиб, умумий импорт ҳажмдаги улуши 39,6 фоизни ташкил этади (27,6 млн. АҚШ доллар). Қолган маҳсулот турларининг умумий импорт ҳажмидаги улуши 60,4 фоизга тенг бўлиб, улар қуйидагилардан ташкил топган:

- озиқ-овқат маҳсулотлари 6558,6 минг АҚШ доллар;
- кимё маҳсулотлари ва пластмасса 13957,5 минг АҚШ доллар;
- энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари 16,6 минг АҚШ доллар;
- қора ва рангли металллар 4155,6 минг. АҚШ доллар;
- иш ва хизматлар 11,0 минг АҚШ доллар;
- бошқалар 17389,8 минг АҚШ доллар.

Бугунги кунда аҳоли даромадларини ошишида тадбиркорлик фаолиятини ўрни каттадир. Вилоятда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича олиб борилган чора тадбирлар натижасида иқтисодиёт тармоқлари бўйича кичик бизнес субъектларининг маҳсулот (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) ишлаб чиқаришдаги улуши саноат бўйича 34,2 фоизни ташкил қилиб, 2009 йилнинг шу даврига (34%) нисбатан 0,2 фоизга ўсган.

Қишлоқ хўжалиги бўйича 98,9 фоизни ташкил қилиб, 2009 йилнинг шу даврига тенг бўлди, қурилиш ва пудрат ишлари бўйича 80,6 фоизни ташкил қилиб, 2009 йилнинг шу даврига (79,4%) нисбатан 1,2 фоизга ўсган. Пуллик хизмат бўйича 31,2 фоизни ташкил қилиб, 2009 йилнинг шу даврига (32,6%) нисбатан 1,4 фоизга камайган. Савдода 40,8 фоизни ташкил қилиб, 2009 йилнинг шу даврига (37,5%) нисбатан 3,3 фоизга ўсган.

Кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш ҳисобига 2010 йилда режадаги 15078 та ўрнига 15154 та иш ўринлари ташкил этилиб, йиллик дастур параметрлари 100,5 фоизга бажарилган. Улардан, саноат йўналишида 1225 та иш ўринлари (100,7%), қурилиш йўналишида 1026 та

(100,1%), якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантиришда 8349 та (100%), уй меҳнатининг барча шакллари ривожлантиришда 2748 та (102,4%) янги иш ўринлари барпо этилган.

Фермер хўжаликларини ривожлантириш (паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик ва бошқалар) ҳисобига йиллик режадаги 6406 та ўрнига 6426 та иш ўринлари ташкил этилиб, йиллик дастур параметрлари 100,3 фоизга бажарилган.

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобига йиллик режадаги 3065 та ўрнига 3067 та иш ўринлари яратилиб, йиллик топшириқ 100,1 фоизга бажарилган.

Ишламасдан турган кичик корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига йиллик режадаги 224 та ўрнига 242 та янги иш ўринлари яратилиб, йиллик дастур параметрлари 108,0 фоизга бажарилди.

Бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобига йиллик режадаги 473 та ўрнига 507 та янги иш ўринлари яратилиб, йиллик дастур параметрлари 107,2 фоизга бажарилди. Бу жараён албатда аҳоли даромадлари ўсишида ижобий самара бермоқда.

2010 йил режадаги 37920 та ўрнига 38199 та иш ўринлари ташкил этилиб, дастур кўрсаткичлари 100,7 фоизга бажарилган. Ташкил этилган иш ўринларининг 79,7 фоизи (30450 та) қишлоқ жойларида яратилган. Жумладан:

–янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларни янгилаш ҳисобига режадаги 1642 та ўрнига 1706 та иш ўринлари ташкил этилиб, дастур параметрлари 103,9 фоизга бажарилган;

–кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш ҳисобига режадаги 15078 та ўрнига 15154 та иш ўринлари ташкил этилиб, дастур параметрлари

100,5 фоизга бажарилган. Улардан, саноат йўналишида 1225 та иш ўринлари (100,7 фоиз), қурилиш йўналишида 1026 та (100,1 фоиз), хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 12903 та (100,5 фоиз) янги иш ўринлари барпо этилган;

–якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига режадаги 8348 та ўрнига 8349 та иш ўринлари ташкил этилган ҳолда, дастур параметрлари 100,0 фоизга бажарилган;

–уй меҳнатининг барча шакллари ривожлантириш ҳисобига режадаги 2684 та ўрнига 2748 та иш ўринлари ташкил этилиб, дастур параметрлари 102,4 фоизга бажарилган. Улардан, корхоналар билан кооперацияда 1797 та (100,3%), корхоналар билан пудрат шартномалари асосида 533 та (100,9 %), миллий хунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига 260 та (107,0%), аҳоли томорқаларида чорвачиликни ривожлантириш ҳисобига 158 та (129,5%) янги иш ўринлари ташкил этилган;

–фермер хўжаликларини ривожлантириш (паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик ва бошқалар) ҳисобига режадаги 6406 та ўрнига 6426 та иш ўринлари ташкил этилиб, дастур параметрлари 100,3 фоизга бажарилган. Улардан, 5-10 минг парранда боқишга мўлжалланган 3-5 та ихтисослашган хўжаликлар ташкил этиш ҳисобига 160 та (103,2 фоиз), пахта ва ғаллачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларининг ҳар бирида энг камида 200 тадан товуқ бошқисни ташкил этиш ҳисобига 2413 та (100,2 фоиз), ҳар бир қишлоқ туманида камида 10 тадан енгил конструкцияли иссиқхоналар ташкил этиш ҳисобига 243 та (101,3 фоиз), фермер хўжаликлари штатига ободонлаштириш ва хўжалик ишлари билан шуғулланувчи бир нафар ходимни киритилиши ҳисобига 2884 та (100,0 фоиз) ва асаларичилик, балиқчиликни ривожлантириш ва бошқалар ҳисобига 726 та (100,8 фоиз) янги иш ўринлари яратилган;

–ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобига режадаги 3065 та ўрнига 3067 та иш ўринлари яратилиб, топширик

100,1 фоизга бажарилган. Улардан, ишлаб чиқариш инфратузилмасида (йўл ва коммуникациялар қурилиши, газ, сув ва электртаъминоти ва бошқа) 2790 та (100,0 фоиз), ижтимоий инфратузилма объектларида (мактаблар, касалхоналар, лицейлар, коллежлар ва бошқа) 137 та (100,7 фоиз) ва аҳоли яшаш пунктларини ободонлаштириш ва бошқаларда 140 та (100,7 фоиз) янги иш ўринлари барпо этилган;

–ишламасдан турган кичик корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига режадаги 224 та ўрнига 242 та янги иш ўринлари яратилиб, дастур параметрлари 108,0 фоизга бажарилган;

–бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобига режадаги 473 та ўрнига 507 та янги иш ўринлари яратилиб, дастур параметрлари 107,2 фоизга бажарилган.

Вилоятда 2011 йилда касаначилик иш ўринларини ташкил этиш дастурига мувофиқ, йил давомида 1791 та касаначилик иш ўринлари, жумладан 308 та иш ўринлари йирик саноат корхоналарида, 707 та иш ўринлари бошқа йирик корхоналарида ва 776 та иш ўринлари кичик саноат корхоналарида ташкил қилиниши белгиланган.

2010 йилнинг ўтган даври мобайнида дастурдаги 1791 та ўрнига 1797 та касаначилик иш ўринлари ташкил этилган ёки дастур параметрлари 100,3 фоизга бажарилган.

Бундан ташқари, касаначилик бўйича яратилган иш ўринларининг сезиларли қисми корхоналар билан тузилган пудрат шартномалари асосида (533 та ёки режага нисбатан 100,9 фоиз), миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришда (260 та ёки режага нисбатан 107,0 фоиз) ва аҳоли томорқаларида чорвачиликни ривожлантиришда (158 та ёки режага нисбатан 129,5 фоиз) яратилган.

Корхоналар билан тузилган меҳнат шартномалари, пудрат шартномалари, миллий ҳунармандчилик ва аҳоли томорқаларида

чорвачиликни ривожлантириш ҳисобига яратилган иш жойлари сони жами 2748 тани ташкил этган.

Вилоят бўйича 2009 йилда аҳоли жон бошига даромадлар 781,8 минг сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йил якуни билан 860 минг сўмни ёки 2009 йилга нисбатан 110 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, ўртача иш ҳақи 2009 йилда 266,9 минг сўмни, 2010 йилда 304,9 минг сўмни ёки 114,2 фоизни, ўртача пенсия 2009 йилда 144,1 минг сўмни, 2010 йилда 175,5 минг сўмни ёки 121,7 фоизни ташкил этган. Аҳоли даромадлари таркиби вилоят бўйича аҳоли жон бошига нисбатан иш ҳақи улуши 2009 йилда 34,1 фоизни, 2010 йилда 35,5 фоизни, тадбиркорлик фаолияти бўйича 2009 йилда 22,3 фоизни 2010 йилда 22,4 фоизни, пенсия, нафақа, стипендия 2009 йилда 18,4 фоизни, 2010 йилда 20,4 фоизни, бошқа даромадлар таркиби 2009 йилда 14,3 фоизни 2010 йилда 10,8 фоизни ташкил этган[иловалар].

Хулоса қилиб айтганда вилоят иқтисодиётини саноатлашиб бориши янгидан-янги иш ўринларини вужудга келишига замин тайёрлайди. Бу эса аҳолини иш жойлари билан таъминлашга, уларнинг даромадларини ошишига кенг йўл очади.

2.3. Сирдарё вилоятида аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини яхшилашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни аҳамияти

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Бу жараён бевосита аҳоли турмуш сифатини ошириш масаласини ҳал қилувчи омилдир. Мазкур соҳани ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари қабул қилинган бўлиб, ушбу ҳужжатлар

асосида уларга кўплаб имтиёзлар яратиб берилмоқда. Шу жумладан, Сирдарё вилояти тижорат банклари томонидан ҳам кредит, лизинг ва факторинг хизматларини кўрсатиш ҳисобига кичик бизнес субъектларини молиявий кўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

2010 йил давомида кичик бизнес субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан 70,7 млрд. сўм кредитлар ажратилди. Ажратилган кредитларнинг 17,1 млрд. сўмини микрокредитлар ташкил этиб, бу жами кредитларнинг 24,1 фоизини қамраб олади. Бунда барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитларнинг 19,7 миллиард сўми (27,9 фоизи) саноатга, 20,7 миллиард сўми (29,2 фоизи) қишлоқ хўжалигига, 13,8 миллиард сўми (19,5 фоизи) айланма маблағларни тўлдиришга, 10,1 миллиард сўми (14,3 фоизи) қурилиш ва маиший хизмат кўрсатишга ҳамда 6,4 миллиард сўми (9,1 фоизи) бошқа тармоқларга йўналтирилди.

Шуниси диққатга сазоворки, тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар миқдори 69,2 миллиард сўмни ёки жами ажратилган кредитларнинг 97,8 фоизини ташкил этган бўлиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 19,9 миллиард сўмга ўсган. Худди шунингдек, 2010 йилда кичик бизнес субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳисобига 10499 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-да"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида 2010 йил давомида тижорат банклари томонидан тадбиркор аёлларга жами 5793,0 миллион сўм кредитлар ажратилган бўлиб, 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан ажратилган кредитлар 670,2 миллион сўмга кўпдир. Тадбиркор аёлларга ажратилган кредитларнинг 654,0 миллион сўми яқка тартибдаги тадбиркорларга, 2138,4 миллион сўми, асосан, аёллар меҳнатидан фойдаланиладиган ва улар

бошқарадиган кичик корхона ҳамда фирмаларга ажратилган бўлиб, бунда 2010 йил учун белгиланган режа 110,9 фоизга бажарилди[иловалар].

Мисол учун, "Микрокредитбанк"-нинг Боёвут бўлими томонидан "Ҳафизабону Наргиза" хусусий фирмасига аҳолига маиший хизмат кўрсатиш учун 22,5 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Ажратилган кредит маблағи эвазига 5 та янги иш ўрни яратилди.

"Агробанк" Пахтаобод филиали томонидан Сардоба туманида фаолият кўрсатаётган "Қосим Мансур ҳамкорлиги" хусусий фирмасига тикув машиналари харид қилиш учун 30 миллион сўм кредит ажратилди. Ажратилган кредит ҳисобига бу ерда ҳам 5 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 18 майдаги "Ёш oilаларни моддий ва маънавий қўллаб қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида асосан, вилоят тижорат банклари томонидан ҳисобот даврида 1004 та ёш oilага ажратилган кредитлар миқдори 8 миллиард 351,0 миллион сўмни ташкил этди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 октябрдаги "2009—2012 йилларда Сирдарё вилоятининг саноат салоҳиятини ошириш, шунингдек, истиқболсиз корхоналарни таркибий ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш ёки тугатиш бўйича ҳудудий Дастури"ни тасдиқлаш бўйича ўтказилган йиғилиш баённомасига асосан, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни ишга тушириш бўйича 2010 йилда Сирдарё вилояти тижорат банклари томонидан 37 та лойиҳага 13 миллиард 922,0 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Вилоятдаги тижорат банклари томонидан Президентимизнинг "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, ишлаб чиқариш корхоналарига 9,0 миллиард сўмлик кредитлар ажратиш режалаштирилган бўлиб, 2011 йилнинг 1 январь ҳола-тига кўра, ушбу

қарорнинг бажари-лиши бўйича вилоят тижорат банклари томонидан 9 миллиард 944,0 миллион сўмлик кредитлар берилди.

Шунингдек, "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Янгиер шаҳар филиали томонидан Янгиер шаҳрида фаолият юритаётган "Анвар нон" масъулияти чекланган жамиятига нон ишлаб чиқариш цехини таъмирлаш учун 100 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди ва бунинг ҳисобига 15 та янги иш ўрни ташкил этилди. Корхонада аҳоли дастурхонига йилига 201,0 миллион сўмлик нон ва нон маҳсулотлари етказиб бериш режалаштирилган.

Сирдарё вилоятида яна бир катта лойиҳа амалга оширилди. Яъни "Агробанк"нинг Сирдарё тумани филиали томонидан "TEMUR MED FARM" МЧЖга дори-дармон ишлаб чиқариш фабрикасини қуриш ва ишга туширишга технологик асбоб-ускуналар харид қилиш учун жами 6,1 млрд. сўмлик лойиҳа амалга оширилмоқда. Шундан 4,9 млрд. сўми банк кредити ҳисобидан амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунга қадар 4 миллиард 875,0 млн. сўм кредит маблағи ажратилди. Қурилиш ишлари ҳам босқичма-босқич олиб борилмоқда. Ажратилган кредит ҳисобига корхона томонидан 60 та иш ўрни яратилиб, йилига 9 хил турдаги 6 млн. 600 минг дона дори-дармон ишлаб чиқарилади. 2011 йилда корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, 12 млн. 540 минг дона дори-дармон маҳсулотлари тайёрланиб, қўшимча 20 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилмоқда.

"Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарорига асосан, ишлаб чиқариш корхоналарига технологик ускуналар сотиб олиш учун 8,0 миллиард сўмлик банк кредитлари ажратилиши белгиланган бўлиб, вилоят тижорат банклари томонидан 11 миллиард 163,7 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.

"Агробанк"нинг Ширин шаҳар филиали томонидан "Шохрух Демирбек" масъулияти чекланган жамиятига полиэтилен қоп ишлаб чиқариш

ускуналари ва хом ашё харид қилиш учун жами 50 миллион сўм кредит ажратилди. Корхонада йилига 292 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш режалаштирилмоқда.

Вилоят саноатида янгилик бўлган, қурилиш материаллари ва терини қайта ишлашга ихтисослаштирилган "PENG-SHENG"- Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси 2009 йил 28 март куни вилоят Адлия бошқармасидан рўйхатдан ўтиб, ҳозирги кунда Сирдарё туманида ўз фаолиятини бошлади. Корхонанинг умумий инвестиция миқдори 26,0 млн. АҚШ доллари, шу жумладан, 12,3 млн. АҚШ доллари миқдоридаги тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳисобига яратилди.

Корхонанинг йиллик қуввати 3 та йўналиш бўйича амалга оширилади. Шундан:

- 1) 4,0 млн. кв. метр керамик плита ишлаб чиқариш ;
- 2) 600,0 минг тонна терини қайта ишлаш;
- 3) 300,0 минг дона пойабзал ишлаб чиқариш.

Корхона тўлиқ ишга туширилгач, 500 та янги иш ўрни яратилади.

Қўшма корхонада ҳозирги кунда керамик плита ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. 2011 йил 1 январь ҳолатига кўра, 13,0 млн. АҚШ доллари қийматида инвестиция ўзлаштирилган бўлиб, корхонада 350 та янги иш ўрни яратилган. Ҳозир пойабзал ишлаб чиқариш бўйича асбоб-ускуналар олиб келинган ҳамда монтаж ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Сирдарё минтақавий филиали Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан бир қанча ишларни амалга ошириб келмоқда.

Хусусан, 2010 йилда вилоятимизнинг 8 та туманида тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича 275 та уй-жой қурилиши режалаштирилган

бўлиб, 11 массивда қурилиш ишлари олиб борилди. Қурилиш қийматининг умумий нархи 18223,0 млн. сўмни ташкил қилиб, шу мақсадда филиалимиз томонидан 275 та фуқарога 10362,0 млн. сўм имтиёзли ипотека кредити ажратилди. Мазкур бунёдкорлик ишлари учун фуқаролар томонидан дастлабки бадал сифатида "Қурилишга сармоя" омонатига 5213,0 млн. сўм маблағлар қабул қилиниб, "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компаниясининг махсус ҳисоб рақамига маблағ ўтказиб берилди. Ундан ташқари, мижозлар томонидан 2010 йилда барпо қилинган уй-жойларга якуний ҳисоб-китоб учун 1392,0 млн. сўм миқдоридаги маблағлар тўлови амалга оширилди. Бугунги кунда буюртмачи томонидан тайёр уй-жойларни эгаларига топшириш ишлари олиб борилмоқда.

Ўтган йилда пудратчилар томонидан 15547,0 млн. сўм миқдорида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 сентябрдаги "Қишлоқ жойларда уй-жойларни лойиҳалаштиришни такомиллаштириш ва қурилишни яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Сирдарё вилоятида 8 та қишлоқ туманининг 10 та массивида 310 та янги тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилиши режалаштирилган.

Халқаро андоза талабларига мос равишда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун кичик бизнес субъектларига ривожланган давлатларнинг ишлаб чиқариш технологиялари сув ва ҳаводек зарур. Лекин ишлаб чиқаришни юксак талабларга мос равишда йўлга қўйиш истагида бўлган кичик бизнес субъектларининг барчаси ҳам ўз маблағлари ҳисобидан бу ишни амалга ошира олмайди. Бунда кичик бизнес субъектларининг яхши инвестициявий лойиҳалари хорижий кредит линиялари ва банклар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Хусусан, вилоят тижорат банкларида очилган хорижий кредит линиялари ҳисобидан 2010 йил давомида кичик бизнес субъектларининг 8 та

инвестициявий лойиҳаси жами 3 миллион 639,2 минг АҚШ долларига молиялаштирилган бўлиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3 миллион 368,0 минг АҚШ долларига ўсган.

Мисол учун, "Саноатқурилиш-банк"нинг вилоят филиали томонидан Гулистон туманидаги "Соҳил уммон барака" корхонасига қум ва тош қазиб олиш ва қайта ишлаш лойиҳаси бўйича Ислом тараққиёт банки кредит линиясидан 5 йил муддатга 399,4 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди. Ажратилган кредит ҳисобига 16 та янги иш ўрни ташкил этилди. Корхонада йилига 215,0 млн. сўмлик қум ва тош қазиб олиш ишларини бажариш режалаштирилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бугун юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш, уни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, хорижий кредит линияларини жалб қилиш ва ўзлаштириш масалалари барча тижорат банклари учун устувор йўналишлардан бири бўлиб қолаверади. Албатда бу жараён аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини яхшилашда етакчилик қилиб бораберади.

2.4. Истиқболда аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини оширишнинг устувор йўналишлари

Мамлакатимизда 2011 йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, деб эълон қилиниши барчамизга маълумки асосий мақсади аҳоли турмуш сифатини яхшилашдир. Аҳоли турмуш сифатини яхшиланиши улар олаётган ва топаётган даромадларга боғлиқдир. Бунда энг асосий куч кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланганлик даражасидир. Бу борада тайёрланаётган умумдавлат Дастурини ҳаётга татбиқ этиш долзарб вазифа ҳисобланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг тез ўзгариб турадиган бозор талабларига жавоб беришини

таъминлайдиган замонавий тузилмаларини шакллантиришда, янги иш ўринларини ташкил қилишда ва аҳоли даромадларини оширишда қанчалик ўта муҳим рол ўйнашини билишимиз ва чуқур англашимиз лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорлар синфни, яъни ўрта синфни шакллантиришдаги улкан аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Иқтисодиётнинг ушбу соҳаси юртимизда қандай катта суръатлар билан ривожланиб бораётганини юқорида қайд этиб ўтдик. Бу ўринда 2011 йилда мазкур соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини **54** фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.

Юқоридаги манбалар асосида қарайдиган бўлсак, истиқболда аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қанчалик рол ўйнашлиги Президент Ислон Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” номли маърузасида янада кенг ёритиб берилган. **Бунда қуйидаги устувор йўналишлар алоҳида кўрсатиб ўтилган:**

Биринчидан, мамлакатимизнинг барча минтақаларида бизнесни ривожлантириш учун янада қулай ишчан муҳит яратиш, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенг эркинлик бериш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Шу муносабат билан тадбиркорлик фаолияти муҳитининг қандай ҳолатда экани, бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва бу фаолиятнинг амалдаги ривожланиш суръатлари барча даражадаги ҳокимлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонига айланиши даркор.

Бош прокуратурага кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашувни иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича давлат сиёсатига қарши қаратилган ҳаракат сифатида кўриб чиқиш ва ҳуқуқбузарларга нисбатан қонунчиликка мувофиқ жавобгарлик нормаларини қўллаш вазифаси топширилади.

Иккинчидан, Вазирлар Маҳкамасига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга соладиган қонун ҳужжатларини танқидий таҳлил қилиш вазифаси топширилади. Эскирган, сунъий равишда ўйлаб чиқарилган ва кўпинча ҳеч кимга кераги бўлмаган чеклов ва тақиқларни бартараф этиш, давлат ва назорат органларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига аралашувини янада кескин камайтириш даркор.

Учинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кредитлар, хомашё ресурслари, шунингдек, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш зарур. 2011 йилда Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигига махсус квоталар ажратиш орқали кичик бизнеснинг давлат харидлари тизимидан фойдаланишини кенгайтириш борасида алоҳида механизмни ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш, кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни харид қилиш, кўрсатилаётган иш ва хизматларга доир давлат буюртмаларини жойлаштириш бўйича очиқ электрон тизимни босқичма-босқич жорий этиш вазифаси топширилади.

Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш механизмларини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, бошланғич капитални шакллантириш, микрокредитлар бериш кўламини

кенгайтириш борасидаги ишларни давом эттириши лозим. 2011 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг ушбу секторига ажратиладиган кредитлар ҳажмини камида 1,3 баробар кўпайтириш даркор.

Ўзбекистон банклар ассотсиатцияси тижорат банклари билан ҳамкорликда Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатлари тайёрлашни молиялаштириш жамғармасини ташкил қилиши зарур. Бу эса кичик бизнес субъектларининг бизнес режаларини тайёрлаш сарф-харажатларини камайтириш, уларнинг сифатини ошириш ва кредитлар бериш муддатларини қисқартириш имконини яратади.

Тўртинчидан, биз кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ташкилий, ҳуқуқий, молиявий механизм ва шароитларни туғдириб беришимиз керак. Кичик корхоналар учун ташқи савдо оператсияларини расмийлаштиришдаги ортикча ички процедураларни бартараф этиш, кичик бизнес соҳаси маҳсулотларини экспорт қилиш борасида қўшимча преференциялар бериш зарур.

Шуни тан олиш керакки, ҳар қандай кичик корхона ҳам ўз маҳсулотлари билан ташқи бозорга мустақил равишда чиқа олмайди. Чунки бунинг учун катта сарф-харажатлар керак бўлади, хорижий мамлакатлар бозорининг ҳолати ва қонунчилигининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида етарлича ахборот ва билимларга эга бўлиш талаб этилади. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги “Ўзстандарт” агентлиги ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда уч ой муддатда кичик бизнес корхоналарига ташқи бозорларда ўз маҳсулотларини сотишга кўмаклашадиган, маркетинг ўтказиш, сертификат ва рухсатномалар олишни таъминлайдиган механизмни яратиш учун барча зарур ишларни амалга ошириши даркор.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этиш 2011 йил ва яқин истиқболда мамлакатимизни

муваффақиятли ва барқарор ривожлантиришнинг алоҳида устувор йўналиши ва ҳеч муболағасиз энг муҳим шартидир. 2011 йилга мўлжаллаб қабул қилинган ва мамлакатимиз Парламенти томонидан маъқулланган Республика дастурида 950 мингдан ортиқ янги иш ўрнини асосан қишлоқ жойларда яратиш кўзда тутилган.

Бу иш жойларининг 600 мингдан зиёдини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида очиш мўлжалланмоқда. 73 мингдан ортиқ иш ўрни транспорт ва муҳандислик-коммуникатсия инфратузилмасини жадал ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш натижасида ташкил этилади. Касаначиликни, аввало, меҳнат шартномалари бўйича корхоналар билан кооператсия асосидаги касаначиликни, шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бандликни таъминлашнинг муҳим йўналиши бўлиб қолади ва бу қарийб 220 минг кишини иш билан таъминлаш имконини беради.

Юқорида айтганимиздек, жамият аъзолари даромадлари даражаси улар турмуш фаровонлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланиб, шу билан бирга алоҳида шахсларнинг дам олиши, билим олиши, соғлиғини сақлаши, энг зарур эҳтиёжларини қондириши имкониятларини белгилаб беради. Аҳоли пул даромадлари иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромад, нафақа, пенсия, стипендия шаклидаги барча пул тушумларини, мулкдан фоиз, дивиденд, рента шаклда олинадиган даромадларни, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ҳунармандчилик буюмларини сотишдан ва ҳар хил хизматлар кўрсатишидан келиб тушадиган даромадларни ўз ичига олади. Бу ҳолатни келгусида янада барқарор бўлиши мазкур йўналишлар доирасида оқилона ва самарали ишларни бажарилиши ва йўлга қўйилиши билан белгиланади.

Хулоса ва таклифлар

Аҳоли даромадлари тўғрисида гапиришдан олдин даромаднинг сўз маъносига кенгроқ эътибор қаратишимиз лозим. «Даромад» иқтисодий фаолият натижаларини ифодаловчи кўрсаткич бўлиб, у серқирра ва мураккаб мазмунга эга ҳисобланади. Чунки, даромад бир вақтнинг ўзида бирон-бир фаолият натижасида олинган тушумни, пул маблағларини, натурал кўринишда олинган маҳсулотларни, иқтисодий ресурслар келтирувчи нафни ва бошқа тушунчаларни ифодалаши мумкин. Шунингдек, даромад умумий тушунча бўлиб, унинг таркибида аҳоли даромадлари муҳим ўрин тутди.

Аҳоли даромадлари маълум вақт оралиғида (масалан, бир йилда) улар томонидан олинган пул ва натурал шаклдаги тушумлар миқдорини англатади.

Аҳоли пул даромадлари иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятидан олинadиган даромад, нафақа, пенсия, стипендия шаклидаги барча пул тушумларини, мулкдан фойза, дивиденд, рента шаклда олинadиган даромадларни, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хунармандчилик буюмларини сотишдан ва ҳар хил хизматлар кўрсатишидан келиб тушadиган даромадларни ўз ичига олади.

Натурал даромад меҳнат ҳақи ҳисобига олинadиган ва уй хўжаликларининг ўз истеъмоллари учун ишлаб чиқарган маҳсулотларидан иборат бўлади. Аҳоли даромадлари даражасига баҳо бериш учун номинал, ихтиёрида бўлган ва реал даромад тушунчаларидан фойдаланилади.

Номинал даромад – аҳоли томонидан маълум вақт оралиғида олинган даромадларининг пул кўринишидаги миқдори ҳисобланади.

Ихтиёрида бўлган даромад—шахсий истеъмол ва жамғарма мақсадларида фойдаланиш мумкин бўлган даромад. Бу даромад номинал даромаддан солиқлар ва мажбурий тўлов суммасига кам бўлади.

Реал даромад – нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдорини кўрсатади, яъни даромаднинг харид қувватини билдиради.

Аҳоли турмуш даражаси тушунчасини уларнинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланиши ҳамда кишилар эҳтиёжининг бу неъматлар билан қондирилиши даражаси сифатида аниқлаш мумкин. Аҳоли турмуш даражасининг БМТ (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти) томонидан тавсия этилган кўрсаткичлари тизими ўз ичига қуйидаги гуруҳларни олади:

- Туғилиш ва ўлиш даражаси ҳамда бошқа демографик кўрсаткичлар;
- Ҳаёт кечиришнинг санитар-гигиена жиҳатидан шароитлари;
- Озиқ-овқат товарларини истеъмол қилиш;
- Турар жой шароитлари;
- Маълумот ва маданият;
- Меҳнат қилиш ва бандлик шароитлари;
- Аҳолининг даромадлари ва харажатлари;
- Ҳаёт кечириш қиймати ва истеъмол нархлари;
- Транспорт воситалари;
- Дам олишни ташкил этиш;
- Ижтимоий таъминот;
- Инсон эркинлиги.

Бу асосий кўрсаткичлардан ташқари яна баъзи бир ахборотга оид кўрсаткичлар ҳам ажратиб кўрсатилади: аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ, аҳоли жон бошига тўғри келувчи миллий даромад, аҳоли жон бошига тўғри келувчи истеъмол ҳажми ва бошқалар.

Турмуш даражаси кишиларнинг турмуш тарзи билан узвий боғлиқ. **Турмуш тарзи** – бу кишилар (жамият, ижтимоий қатлам, шахс) нинг миллий

ва жаҳон ҳамжамиятидаги ҳаёт фаолияти тури ҳамда усуллари акс эттирувчи ижтимоий-иқтисодий категория.

Бугунги кунда аҳоли даромадларини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначилик етакчи кучлардан бири сифатида қаралмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда ишчи кучи бандлиги ва аҳоли даромадларини оширишда касаначилик ҳамда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш соҳаларининг аҳамияти йилдан-йилга кучайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини яхшилашга катта эътибор қаратилган. Республикамизда инқироз шароитида аҳолини ишончли ҳимоя қилиш, унинг даромади ва моддий фаровонлигини ошириш имкони таъминланди. Реал даромадлар 2009 йил давомида 26,5 фоизга кўпайгани, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўсиши ўрта ҳисобда 40 фоизни ташкил этгани бунинг тасдиғидир.

Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида аҳоли даромадлари таркибида қатор ўзгаришлар содир бўлди:

-биринчидан, даромад шакллари ўзгарди, яъни унинг анъанавий турлари (иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендия) қаторига мутлақо янгилари - тадбиркорлик фаолиятидан, мулкдан, кўчмас мулкдан, қимматли қоғозлардан, чет эл валютасидан келадиган даромадлар қўшилди;

-иккинчидан, даромадларнинг таркибий қисмлари миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгарди, бу борада фуқаро ихтиёридаги ҳақиқий даромадлар, тўпланиш ва ажралиш коэффициенти, даромад танқислиги, тирикчилик минимуми, қашшоқлик даражаси, оила пул даромадларининг харид қобилияти каби тушунча ва категориялар пайдо бўлди;

-учинчидан, даромадлардан фойдаланишнинг янги йўналишлари пайдо бўлди: мажбурий тўловлар ва бадаллар, чет эл валютаси, қимматли қоғозлар

ва шахсий мулкни сотиб олиш учун харажатлар, тижорат банкларига кўйилмалар шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб айтганда аҳоли даромадлари ва турмуш сифатининг шаклланишига таъсир кўрсатадиган омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- Аҳоли даромадлари даражаси ва бандлик даражаси;
- Инфляция даражаси ва сиёсий барқарорлик;
- Маънавий муҳитнинг ривожланиши ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги;
- Аҳолининг уй-жой билан таъминланганлиги;
- Табиий муҳитнинг ҳолати;
- Таълим олиш имконияти;
- Аҳолининг саломатлиги ҳолати ва соғлиқни сақлаш ва тиклаш имкониятининг мавжудлиги;
- Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари ва маиший хизматлар билан таъминланганлиги.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Бу жараён бевосита аҳоли турмуш сифатини ошириш масаласини ҳал қилувчи омилдир. 2010 йил давомида вилоят кичик бизнес субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан 70,7 млрд. сўм кредитлар ажратилган. Ажратилган кредитларнинг 17,1 млрд. сўмини микрокредитлар ташкил этиб, бу жами кредитларнинг 24,1 фоизини қамраб олади. Бунда барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитларнинг 19,7 миллиард сўми (27,9 фоизи) саноатга, 20,7 миллиард сўми (29,2 фоизи) қишлоқ хўжалигига, 13,8 миллиард сўми (19,5 фоизи) айланма маблағларни тўлдиришга, 10,1 миллиард сўми (14,3 фоизи) қурилиш ва маиший хизмат кўрсатишга ҳамда 6,4 миллиард сўми (9,1 фоизи) бошқа тармоқларга йўналтирилди. 2010 йилда кичик бизнес субъектларига барча

молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳисобига 10499 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Бу албатда аҳоли даромадларини оширишда асосий омил сифатида қаралиши лозим.

Келажакда аҳоли даромадларини ошириш ва турмуш сифатини яхшилашда қуйидаги йўналишларга устуворлик берилиши лозим:

- мамлакатимизнинг барча минтақаларида бизнесни ривожлантириш учун янада қулай ишчан муҳит яратиш, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенг эркинлик бериш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш лозим;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга соладиган қонун ҳужжатларини танқидий таҳлил қилиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кредитлар, хомашё ресурслари, шунингдек, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

- кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ташкилий, ҳуқуқий, молиявий механизм ва шароитлар яратиш;

- янги корхоналарни шакллантириш, айниқса қишлоқ жойларида;

- кўплаб иш ўринларини вужудга келтириш;

- ишлаб чиқаришга хорижий инвестицияни жалб қилиш.

Юқорида айтганимиздек, жамият аъзолари даромадлари даражаси улар турмуш фаровонлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланиб, шу билан бирга алоҳида шахсларнинг дам олиши, билим олиши, соғлиғини сақлаши, энг зарур эҳтиёжларини қондириши имкониятларини белгилаб беради. Бу ҳолатни келгусида янада барқарор бўлиши мазкур йўналишлар доирасида оқилона ва самарали ишларни бажарилиши ва йўлга қўйилиши билан белгиланади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим // Халқ сўзи, 2006 йил 11 февраль.
2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
3. Каримов И.А. 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” маърузаси // Халқ сўзи, 2011 йил 22 январ.
4. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
5. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2008 йил 9 февраль.

6. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган йиғилишда сўзлаган маърузаси. 2008 йил 5 декабрь.
7. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2007 йил 8 декабрь.
8. Абулқосимов Ҳ. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар. –Т.: Akadimiya, 2008.-78 б.
9. Абатуров В. Финансовая поддержка малого и среднего бизнеса: мировой опыт: //http:// www.cer. uz.. 2000. №5 стр. 13-2
- 10.Агзамов С., Мирманов А. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. Ўзбекистоннинг иқтисодий ахборотномаси журнали, 2003 йил №10, 20-24 б.
- 11.Абатуров В. Формирование рыночной инфраструктуры //http:// www. cer. uz. 2003. №10. стр. 3-9.
- 12.Адилходжаева С. Законодательные основы развития предпринимательства В Узбекистане. //http:// www.cer. uz.. 2000. №5. стр. 5-13.
- 13.А.Бекмуродов ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Т.: Иқтисодиёт. - 2010. – 340 бет.
14. Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги; нашр учун масъул А Бекмуродов ва бошқ. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт–матбаа ижодий уйи, 2010.-55 б.

15. Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. Ўзбекистон – иқтисодий ва модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида: Ўқув қўлланма. – Т.: «Иқтисодий» нашр, 2008. – 128 б.
16. Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. Ўзбекистонда иқтисодий либераллаштириш ва модернизациялаш: натижалар ва устувор йўналишлар: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007. – 102 б.
17. Зияев Т.М. Ишчи кучи ва бандлик назариялари. – Т.: ТДИУ, 2007. -88 б.
18. Зияев Т.М. Тармоқ ва корхона иқтисодиёти. – Т.: ТДИУ, 2007. -112 б.
19. Razzoqov A. Iqtisodiy ta'limotlar tarixi. Oliy ta'lim muassasalarining talabalari uchun darslik / A.A.Razzoqov, Sh.H.Tashmatov, N.T.O'rmonov. – Т.: Iqtisod-moliya, 2007. – 320 b.
20. Сирдарё вилоятида 2010 йил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва ислохотларни бориши тўғрисида. (Стат. тўплам), Гулистон. 2010.
21. Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгилашнинг илмий ва назарий асослари. Илмий-оммабоп рисола. – Т.: ТДИУ, 2008. – 57 б.
22. Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Ғафуров, Г.Т.Минаварова, М.Ш.Халилов. «Иқтисодий назарияси» фанидан таълим технологияси. Услубий қўлланма «Иқтисодий таълимда ўқитиш технологиялари» сериясидан. – Т.: ТДИУ, 2010, -329 бет.
23. Shodmonov Sh.Sh., G'afurov U.V. Iqtisodiyot nazariyasi (darslik). – Т., «Fan va texnologiya» nashriyoti, 2005. – 784 b.
24. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодий назарияси. Маърузалар матни. – Т.: «Фан ва технология» нашр, 2008. – 314 б.
25. Шодмонов Ш.Ш., Юсупов Р.А. Замонавий бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти. – Т.: ТДИУ, 2007.
26. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича статистик тўпламлари.

27. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2006. – 480 б.
28. <http://www.unece.org/sme/cjnfrm01.htm>
29. <http://www.booksites.net/johnsonscholers>
30. <http://www.college.hmco.com>

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1 Боб. Аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини яхшилашнинг илмий-назарий асослари.....	9
1.1. Аҳоли даромадлари ва унинг таркиби.....	9
1.2. Давлатнинг ижтимоий сиёсати ва унинг асосий йўналишлари.....	16
1.3. Аҳоли даромадларини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни аҳамияти.....	27
2 Боб. Бозор ислохотлари шароитида аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини яхшилаш омиллари.....	33
2.1. Аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини яхшилаш асослари.....	33
2.2. Сирдарё вилоятида аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини ошириш омиллари.....	48
2.3. Сирдарё вилоятида аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини яхшилашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни аҳамияти.....	57
2.4. Истиқболда аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини оширишнинг устувор йўналишлари.....	63
Хулоса ва тавсиялар.....	68
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	73
Мундарижа.....	77